

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИЖТИМОЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ**

**“ИЖТИМОЙ ИШ” КАФЕДРАСИ**

**БЕКЖАНОВА ФОТИМА**

**ИЖТИМОЙ ИШ АМАЛИЁТИДА ЯККА ТАРТИБЛИ ИШЛАШ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
мавзусида**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Илмий раҳбар: соц.ф.н. Хусанова Х.Т.**

Битирув малакавий иш кафедра йиғилишининг ҳимоя олди  
муҳокамасидақўриб чиқилди ва ҳимоя учун тавсия этилди.  
-сонли баённома \_\_\_\_\_ 2018 йил

**ТОШКЕНТ-2018**

## МУНДАРИЖА

	<b>КИРИШ</b>	<b>3-10</b>
<b>I-БОБ.</b>	<b>ИЖТИМОЙ ИШНИНГ МЕТОДИК ВА ТЕХНОЛОГИК АСОСЛАРИНИ ИЛМИЙ ЎРГАНИЛИШИ</b>	<b>11-30</b>
<b>1.1.</b>	Ижтимоий иш амалиётининг умумий методлари ва технологияларининг ўзига хос жиҳатлари	<b>11-22</b>
<b>1.2.</b>	Якка тартибда ишлаш амалиётининг назарий-методологик асослари	<b>22-30</b>
<b>II-БОБ.</b>	<b>ИЖТИМОЙ ИШ АМАЛИЁТИДА ЯККА ТАРТИБДА ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ ЭМПИРИК ТАҲЛИЛИ</b>	<b>31-60</b>
<b>2.1.</b>	Индивидуал иш тартибида вазиятни баҳолаш жараёнининг асосий босқич ва тамойиллари	<b>31-40</b>
<b>2.2.</b>	Вазият билан якка тартибда ишлаш амалиётининг эмпирик таҳлили	<b>41-51</b>
<b>2.3.</b>	Талабаларда мижоз билан индивидуал ишлаш кўникмаларининг экспериментал ўрганилиши	<b>52-60</b>
	<b>ХУЛОСА</b>	<b>61-63</b>
	<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b>	<b>64-65</b>
	<b>ИЛОВА</b>	<b>66-78</b>

## КИРИШ

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.** Ижтимоий иш ходимлари замонавий жамиятлардаги турли соҳалардаги ва турли даражадаги хилма-хил масалаларни ҳал қилади. Жумладан, индивидлар, оилалар, кичик гуруҳлар, болалар, қариялар билан ишлаш, тиббий муассасаларда консультант ва психотерапевт бўлиб ишлаш, ижтимоий дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш учун молия ресурсларини топишга ҳаракат қиладилар. Шунингдек, оиладаги зўравонлик кўринишларини бартараф этишга ҳаракат қиладилар ва ҳоказолар билан шуғулланадилар. Зеро, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуслари билан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича **ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ**да «аҳолига мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш ҳамда кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан кўллаб-қувватлаш, ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишда давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш»<sup>1</sup> устувор йўналишлар қаторидан ўрин олган.

Бунда ижтимоий иш ходимидан нафақат ижтимоий иш назариялари ва усулларини билиши, балки, жамият ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш, ижтимоий гуруҳлар, жамоаларнинг мавжудлик қонуниятлари, меъёрлари, эҳтиёж ва қизиқишлар, мижозларнинг маданий, этник ўзига хосликларини фарқлай олиши талаб этилади. Яна ижтимоий иш ходими мижоз билан муносабатлари муваффақиятли кечишини таъминлашда хизмат қилувчи ижтимоий мақом, биологик ўзига хослик, индивидуал рухий, физиологик хусусиятлар ва уларга бевосита таъсир ўтказувчи ижтимоий омиллар борасида етарлича билимга эга бўлиши шарт. Демак, ижтимоий иш бу

---

<sup>1</sup> 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича **ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ**нинг 4.2. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бандида кўрсатилганидек

нафақат назария, балки, оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган ва ёрдам муҳтож инсонлар билан самарали муносабат юритиш санъати ҳамдир.

Ижтимоий ишдаги йўналишларни хилма-хиллиги бир томондан ҳозирги замон жамияти тизимидаги ижтимоий муаммоларнинг турли жиҳатларини ва улар ечимининг хилма-хил вариантларини тасаввур қилишга имкон берса, бошқа томондан, ижтимоий иш замонавий ижтимоий муносабатларнинг ажралмас қисми эканлигидан далолат беради. Бунда ижтимоий иш амалиётида кенг қўлланилувчи технологияларнинг аҳамияти каттадир.

Замонавий илмий адабиётларда «технология» атамаси кенг қўлланилади. «Технология» сўзи бу қадимги юнон тилидан «*techne* – қила олмоқ, маҳорат, *logos* – билим, фан» деган сўзларнинг бирикмасидан ҳосил бўлиб, «технология» сўзининг оддийгина таърифи: маҳорат, санъат, қила олмоқ маъноларини ангалатади. Ушбу тушунчадан келиб чиқиб, технологиянинг муҳим элементларидан бўлган фаолият усуллари, фаолиятнинг йўллари ва воситалари, зарурий билим кабиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда – технология бу бирор фаолият предметиға таъсир кўрсатиш қобилиятидир.

Бунда техника танланган мақсадга тезда ва аниқ етиб боришга кўмаклашади<sup>1</sup>. Жамият ва инсон фаолиятининг ривожланиб бориши билан технологиянинг мазмуни борасидаги тасаввурлар тубдан ўзгариб борди

Замонавий жамиятларда тараққиёт хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда технология – бу маълум турдаги фаолият турининг алгоритми сифатида қўлланилади. Технологиянинг қуйидаги функциялари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардир:

- жараённинг йўналишини зарурий оқимга йўналтиради ва тартибга солади;

---

<sup>1</sup> Капитонов Э.А. Социология XX века. История и технология. - Ростов-на/Д: Феникс,- 1996. – С. 205.

- субъект фаолиятини мутаносиб стандартлар, меъёрлар ва технологик шарт-шароитлардан келиб чиқиб назорат қилади;

-фаолият жараёнининг рационаллигини таъминлайди<sup>1</sup>.

Инсон фаолиятининг зарурий элементи сифатида технология «буни қандай қилиш керак?» саволига жавоб беради. Бунда маълум тартиб, интизом, меъёр, таъқиқларга риоя қилган ҳолда процедура ва операциялар кетма-кетлигини таъминлайди.

Социал технологияларнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаштириш улар ичида Ижтимоий иш технологияларини алоҳида гуруҳ сифатида кўрсатиш имконини беради. Ижтимоий иш технологиялари – бу мураккаб ҳаётий вазиятдаги кишиларга ижтимоий хизмат кўсатиш, уларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган кишилар ҳаётий фаолиятиндаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг оптимал воситалари тизимидир<sup>2</sup>.

Ижтимоий ишнинг универсал социал технологиялари қуйидагилардан иборат:

**1. Социал диагностика** – социал муаммоларни самарали ечимини топиш учун муаммонинг келиб чиқиш негизи, ривожланиш истиқболлари ва эҳтимолий оқибатлари ҳамда уни ечим йўллари, воситалари чуқур англаниши шарт.

**2. Социал терапия** – турли даражадаги социал муаммолар ечимига йўналтирилган қарорлар, процедуралар, чора-тадбирлар ва ҳатти ҳаракатлар мажмуасидир<sup>3</sup>. Социал терапиянинг қуйидаги бир неча ички технологиялари мавжуд, булар:

1. Индивидуал – миждоз муаммосининг ечими конфиденциалликни талаб этувчи (жинсий зўравонлик, оилавий ноқобиллик ва ҳ.к.лар) ёки турли

---

<sup>1</sup> Капитонов Э.А. Социология XX века. История и технология. - Ростов–на/Д: Феникс, 1996. – С. 206.

<sup>2</sup> Тетерский С.В. Введение в социальную работу. - М.: Академический проспект, 2001. – С. 95.

<sup>3</sup> Социальные технологии: Толковый словарь. - М., 1994. – С. 277.

сабабларга биноан гурухли терапияда иштирок эта олмайдиган кишилар билан якка тартибда ишлаш технологияси.

2. Гурухли – мижоздаги шахсий ёки ижтимоий муаммолар, оғир ҳаётӣ вазиятни енгишда кўмаклашишга йўналтирилган гурухли иш стратегияси. Бунда, муаммолари деярли ўхшаш бўлган кишилар аниқ бир гурухга бирлаштирилади ва ўзаро ёрдам гурухлари ташкил этилиб унинг аъзолари муаммоларининг ечимини топишда бир-бирига кўмаклашади ва кўллаб-қувватлайди.

3. Оилавий терапия – ижтимоий иш ходими ёки бошқа мутахассиснинг оилани яхлит бирлик сифатида ўрганишда қўлланувчи технология.

3. **Социал профилактика** – бу мақсадли ва ижтимоий ташкилланган фаолият бўлиб, эҳтимолий ижтимоий, психологик педагогик ва ҳуқуқий муаммоларнинг олдини олиш ва кутилган натижага эришишга йўналтирилган фаолиятдир<sup>4</sup>.

4. **Социал реабилитация** - ижтимоий иш вазифаларидан бири киши, гуруҳ ёки жамоанинг ўз ҳаётӣ фаолиятига ижодий, мустақил муносабати ҳолатида сақлаб туришдир. Бунда худди ш ҳолатни қайта тиклаш жараёни катта роль ўйнайди.

5. **Социал адаптация** - ушбу тушунча илм-фанда илгаридан кенг қўлланилаилиб «адаптация» «адаптацион жараён» биология. социал психология. фалсафа, кибернетика, социология, экология каби фанларда кенг қўлланади. Адаптацион жараёнлар муаммоси инсон ва уни ўраб турган муҳитни комплекс тадқиқ қилишни аназарда тутуди.

6. **Социал консультация** - Замонавий жамиятлар кишилар қатор сабаблар боис, аксарият кишилар ўзининг шахсий ёки социал муаммосининг ягона самарали ечим усуларини танлашга эҳтиёж сезади. Айрим вазиятларда муаммонининг ечим йўллари топишда кишининг билими, тажрибаси

---

<sup>4</sup> Социальная работа / Общ. ред. проф. Курбатова В.И. - Ростов-на/Д: Феникс, 1999.- 221 с.

етарли бўлмайди ва социал маслаҳатга эҳтиёж сезади. Шу боис, консультант мутахассисга мурожаат этади.

Ижтимоий иш ходими миждознинг табиий ва иждимоий эҳтиёжлари тўқнашувидан ҳосил бўлувчи зиддиятлар билан ишлашига тўғри келади. Бундай ҳолатларда иждимоий иш ходими учун миждознинг нафақат иждимоий муҳити ва ички дунёсини билиш, балки, унинг учун маъқул иждимоий меъёрлар ва кадриятлар, ҳулқ-атвор андазалари, ҳатти-ҳаракатларнинг ички турткилари ўртасидаги мувезанатни тўғри англаши муҳимдир. Сабаби, иждимоий ишнинг барча даражаларида (индивидуал, гуруҳли, жамоавий) мувезанатни таъминловчи омил тизим таркибий элементларининг барқарорлиги ҳисобланади.

Якка тартибда (индивидуал) ишлаш – иждимоий ишнинг бош технологияларидан биридир. Индивидуал ишнинг марказий концепциясига биноан инсон муаммолари ечимининг энг самарали стратегияси индивиднинг иродавий хусусиятларини мустаҳкамлаш ва қўллаб-қувватлашдан иборат. Индивидуал иш тартиби миждоз билан ишлашда нафақат режалаштириш балки кишининг атроф муҳити билан ўзаро мулоқотнинг муқобил шарт-шароитларини қидириб топади.

Индивидуал иждимоий ишда Л.Жонсон концепциясига мувофиқ иш тартиби фаол тизим сифатида намоён бўлади. Вазият билан ишлашда субъект-субъектли ўзаро муносабат кетма-кет ҳатти-ҳаракатлар узвийлигида содир бўлади. Аввало, иждимоий иш ходими ва миждоз ўртасида шартнома ўрнатилиши шарт.

Индивидуал иждимоий иш технологияси вазият билан якка тартибда «юзма-юз» тарзда ишлашни назарда тутиб миждознинг шахсий ва иждимоий муаммолари ечимини топишда самарали саналади. Миждозга хос индивидуал муаммолар қаторидан ҳиссий муаммолар, шахсий кризислар, оилавий зиддиятлар, ишлаб чиқариш ёки мактабдаги муаммолар ўрин олган.

«Юзма-юз» ишлаш технологияси ижтимоий иш ходими ва мижоз ўртасида маълум муносабат ўрнатилганлигини англатади. Индивидуал иш тартибига биноан нафақат мижоз билан ишлашнинг кетма-кетлиги ўрнатилади, балки ижтимоий иш ходими фаолиятига қўйиладиган талаблар белгилаб олинади.

**Мавзуни ўрганилганлик даражаси.** Ижтимоий иш амалиётининг самарадорлигини таъминлашда кенг қўлланиладиган методлар ва технологиялар ижтимоий иш фан-таълим ва касбий фаолият соҳасининг назарий-методологик асослари ёритилган илмий адабиётлар. Манабаларда ўз аксини топган. Хусусан, ижтимоий ишнинг амалий технологияларининг назарий-методологик асослари Панов А.М., Холостова Е.И.<sup>1</sup> Тетерский С.В.<sup>2</sup> Фирсов М.В., Студенков Е.Г.<sup>3</sup> каби олимлар ва тадқиқотчиларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган. Ижтимоий ишнинг умумий ва хусусий технологиялари борасида эса МДХ олимларидан Е.И.Холостова<sup>1</sup>, Л.С. Алексеева<sup>2</sup>, Г.Бернер, Л.Юнссонлар<sup>3</sup>, Л.А.Гордон<sup>4</sup>, Э.А.Капитонов<sup>5</sup>, И.С.Кон<sup>6</sup>, Л.В.Корель<sup>7</sup>, П.Д.Паленок<sup>8</sup>, Юрлов Ф.Н.<sup>9</sup>, Штомпка П.<sup>10</sup>, Зайнышева И.Г.<sup>11</sup>, Подшивалкина В.И.<sup>12</sup> лар ўзларининг илмий изланишларини олиб борган.

---

<sup>1</sup> Справочное пособие по социальной работе / Отв. ред. Панов А.М., Холостова Е.И. - М.: Юрист, 1997.- 168 с.

<sup>2</sup> Тетерский С.В. Введение в социальную работу. - М.: Академический проспект, 2001.- 496 с.

<sup>3</sup> Фирсов М.В., Студенков Е.Г. Теория социальной работы. - М.: ВЛАДОС, 2000.- 426.

<sup>1</sup> Холостова Е.И. Социальная работа: Учебное пособие. - М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К», - 2004.: Социальная работа: теория и практика / Отв. ред. Холостова Е.И., Сорвина А.С.- М.: ИНФРА-М, 2001.- 427 с: Теория и практика социальной работы: Методические материалы / Отв. ред. Попов А.М., Холостова Е.И. - М.: Ин-т соц. работы, 1997.- 113 с.

<sup>2</sup> Алексеева Л.С. Социальная реабилитация подростков // Семья в России.-1995.- № 2.

<sup>3</sup> Бернлер Г., Юнссон Л. Теория социально-психологической работы. М., 1992

<sup>4</sup> Гордон Л.А. Социальная адаптация в современных условиях // Социологические исследования.- 1994.- №№ 8, 9.

<sup>5</sup> Капитонов Э.А. Социология XX века. История и технология. - Ростов-на/Д: Феникс,- 1996.- 512 с.

<sup>6</sup> Кон И.С. Ребёнок и общество. Историко-этнографическая перспектива. - М.:Наука, 1988, 325 с. 13.

<sup>7</sup> Корель Л.В. Социальная адаптация: этюды апологий. - Новосибирск, 1997.- 158 с.

<sup>8</sup> Основы социальной работы. Отв. ред. Павленок П.Д. - М.: ИНФРА-М.-2001.- 395 с.

<sup>9</sup> Юрлов Ф.Н. Социальные издержки глобализации // Социологические исследования.- 2001.- № 7.

<sup>10</sup> Штомпка П. Социальные изменения как травма // Социологические исследования.- 2002.- № 1.

<sup>11</sup> Технология социальной работы / Под ред. Зайнышева И.Г.- М.: ВЛАДОС. 2000.- 240 с.

**Битирув малакавий ишининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Битирув малакавий ишнинг мавзуси Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети «Ижтимоий иш» кафедрасининг илмий-тадқиқот ишлари мавзуси доирасига киради.

**Тадқиқотнинг объекти.** Ижтимоий иш амалиётида мижоз билан якка тартибда ишлаш технологияси.

**Тадқиқот предмети.** Ижтимоий иш амалиёти самарадорлигини таъминлашда назарият ва амалиёт уйғунлиги.

Оғир ҳаётий вазиятдаги кишиларга ижтимоий хизмат кўрсатишда ижтимоий ишнинг умумий ва хусусий технологияларининг хусусиятлари.

**Тадқиқот ишининг мақсади.** Мураккаб ҳаётий вазиятдаги кишиларнинг социал муаммолари ечимини топишда ижтимоий иш технологияларини қўллашнинг ўзига хос жиҳатларини назарий ва амалий тадқиқ этиш.

Илгари сурилган мақсаддан келиб қуйидаги **вазифаларни** бажариш белгилаб олинди:

- ижтимоий ишнинг назарий ёндашувлари, умумий ва хусусий технологиялари ва методлари борасида илмий манбалар ва адабиётлар, маълумотларни тўплаш ва саралаш;

- ижтимоий иш амалиёти самарадорлигини таъминлашда кенг қўлланилувчи методлар ва технологиялар борасидаги илмий маълумотларни тизимлаштириш;

- ижтимоий иш амалиётида оғир ҳаётий вазиятдаги кишилар билан якка тартибда ишлаш технологиясининг хусусиятларига ойдинлик киритиш;

-индивидуал иш тартибининг асосий босқичлари, тамойиллари ва қонуниятларини илмий ўрганиш;

---

<sup>12</sup> Подшивалкина В.И. Социальные технологии: проблемы методологии и практики. – Кишинёв: центральная типография, 1997. – 326 с.

-ижтимоий иш амалиётида якка тартибда ишлаш технологияси самарадорлигини эмпирик жиҳатдан асослаш.

- назарий ва амалий тадқиқотлар йиғиндиси таҳлилларига кўра, ижтимоий иш амалиётида якка тартибда ишлаш технологияларини такомиллаштириш бўйича амалий таклиф ва тавсияларни илгари суриш.

**Тадқиқотнинг илмий фарази.** Ижтимоий иш амалиётида оғир ҳаётий вазиятдаги кишилар билан ишлаш методлари ва технологиялари ичидамижоз билан юзма-юз индивидуал ишлаш тартиби бошқа технологияларга нисбатан натижадорлиги ва самарадорлиги билан фарқланади. Якка тартибда ишлаш технологияси миждознинг конфиденциаллик эҳтиёжини тўлақонли қондиради.

**Тадқиқотнинг методологик асоси:** Битирув малакавий ишининг илмий-услубий концептуал базаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматининг аҳолининг муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоялаш уларга ижтимоий хизмат кўрсатиш сифатини ошриш борасидаги Фармонлари ва қарорлари, шунингдек, халқаро ва миллий қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар хизмат қилди.

Шунингдек, ижтимоий иш назарияси ва амалиётига доир илмий адабиётлар ва назарий-амалий тадқиқотлар битирув малакавий ишнинг назарий-эмпирик асосларини ҳосил қилди.

**Тадқиқот методлари.** Битирув малакавий ишининг назарий-эмпирик базасини ҳосил қилишда тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил, ҳужжатларни ўрганиш, кейс-стадии, анкетали сўровнома усулларидан фойдаланилди..

**Битирув малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми.** Битирув малакавий иши жами 78 саҳифа бўлиб, асосий матн 65 бет, жумладан, 13 бетли иловалардан ташкил топган бўлиб, кириш, иккита боб, беш параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган.

# **1.БОБ. ИЖТИМОЙ ИШНИНГ МЕТОДИК ВА ТЕХНОЛОГИК АСОСЛАРИНИ ИЛМИЙ ЎРГАНИЛИШИ**

## **1.1. Ижтимоий иш амалиётининг умумий методлари ва технологияларининг ўзига хос жиҳатлари**

Кишилиқ жамиятнинг муҳим хусусиятлари ва муҳим тафсилотлари социал технологиялар мавжудлигини англатади. Социал технологиялар умумий технологияларнинг бир тури саналади. «Социал технологиялар» атамаси XX асрнинг 70-йилларида шакланган социал билимлар тизимига киради. Даставвал у ихтисослаштирилиган восита ва усулларни аңлатиб рационал фаолият учун имконият яратишга хизмат қилган<sup>1</sup>.

Социал технологияларнинг шаклланишини концептуал даражада ўрганиб чиққан олимлардан К.Поппернинг изланишларига туртки бўлган омиллардан бири XX асрнинг ўрталаридаги макросоциал назариялар ва улар асосида яратилган лойиҳалар мавжуд социал тизимларни ўзгартира олмаслиги боис, ўзларининг номукамал эканлигини кўрсатганлиги бўлди.

К.Поппернинг фикрига биноан ижтимоий ҳаёт тубдан ўзгартиришга эҳтиёж сезмайди. Социал тизимни такомиллаштириш секин-асталиқ билан «қисман» иш жараёнида содир бўлади. Ушбу ёндашувдан келиб чиқиб К.Поппер, социал технологияларни – назарий хулосаларни амалий ҳаётда қўллаш усули сифатида таърифлайди<sup>2</sup>.

Социал технологияларнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаштириш улар ичида Ижтимоий иш технологияларини алоҳида гуруҳ сифатида кўрсатиш имконини беради. Ижтимоий иш технологиялари – бу мураккаб ҳаётий вазиятдаги кишиларга ижтимоий хизмат кўсатиш, уларни қўллаб-

---

<sup>1</sup> Холостова Е.И. Социальная работа: Учебное пособие. - М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К», 2004. - С. 204.

<sup>2</sup> Поппер К. Открытое общество и его враги. В 2-х т. - М.: Междунар. Фонд «Культурная инициатива», 1992. - С.65.

қувватлашга йўналтирилган ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг оптимал воситалари тизимидир<sup>1</sup>.

Ижтимоий ишнинг универсал социал технологиялари қуйидагилардан иборат:

**1. Социал диагностика** – социал муаммоларни самарали ечимини топиш учун муаммонинг келиб чиқиш негизи, ривожланиш истиқболлари ва эҳтимолий оқибатлари ҳамда уни ечим йўллари, воситалари чуқур аниқланиши шарт.

Бунга мутахассис, яъни ижтимоий иш ходими ўз фаолиятида социал ташҳислаш кўникмаларига эга бўлсагина эришиши мумкин. Замонавий таракқиёт шароитида бу соҳада касбий маҳоратни ошиб бориши алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, олинган маълумотлар асосида аҳолининг турли гуруҳларини ижтимоий ҳимоялаш бўйича мақсадли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мумкин. Социал диагностика кўникмаларига эга бўлиш қуйидаги қатор омиллар билан шартланган:

Биринчидан, субъект, алоҳида шахс ёки гуруҳ, ташкилот бўладими, ўзининг муаммоси борасида доим ҳам аниқ равшан тасаввурга эга эмас.

Худди шундай вазиятларда социал диагностика турли даражадаги социал муаммоларнинг сабаб ва оқибати ўртасидаги алоқаларни аниқлаш, ўрнатиш ва ўрганишдир<sup>2</sup>.

Социал диагностиканинг самарадорлиги ижтимоий иш ходими томонидан мижоз муаммосининг ўз вақтида аниқлик билан ташҳисланишига боғлиқ.

**2. Социал терапия** – социал диагностикани амалга ошириш ва социал ташҳисланиш уни ечимини топишга йўналтирилган махсус ҳатти-харакатлар ва чора-тадбирларни амалга оширилишини талаб этади. Бу ижтимоий ишда социал даволаш деб номланиб, у ижтимоий иш назарияси ва амалиётида

---

<sup>1</sup> Тетерский С.В. Введение в социальную работу. - М.: Академический проспект, 2001. - С. 95.

<sup>2</sup> Тетерский С.В. Введение в социальную работу. - М.: Академический проспект, 2001. – С. 496.

«социал терапия» сифатида аталади. Социал терапия – турли даражадаги социал муаммолар ечимига йўналтирилган қарорлар, процедуралар, чоратadbирлар ва ҳатти ҳаракатлар мажмуасидир<sup>1</sup>.

Социал терапиянинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Социал «даволаш» - мижознинг муаммоси ечимини топишда зарурий ёрдаин кўрсатиш. Бу вазиятда ижтимоий иш ходими врачлар, педагоглар, юристлар каби мутахассислар билан биргаликда иш юритиши мумкин.

2. Ижтимоий ҳимоя мижоз манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган бўлиб, унинг ижтимоий фаровонлигида бевосита масъул бўлган субъектлар олдида мижоз эҳтиёжларини илгари суриш.

3. Социал ривожланиш – мижознинг яширин имконият ва қобилиятларини аниқлаш орқали унинг кейинги ҳаётий фаолиятини яхшилаш<sup>2</sup>.

Социал терапиянинг бир неча кўринишлари мавжуд: уни туркумлашда социал терапияни амалга оширишда доминант усул асос саналади: булар:

7. Индивидуал – мижоз муаммосининг ечими конфиденциалликни талаб этувчи (жинсий зўравонлик, оилавий ноқобиллик ва ҳ.к.лар). ёки турли сабабларга биноан гуруҳли терапияда иштирок эта олмайдиган кишилар. Терапевтик таъсир кўрсатишнинг ушбу усули ижтимоий иш ходими ёки бошқа мутахассисдан юқори касбий маҳорат, шахсий тактилик, англаш ва ҳамдардлик қобилиятларини талаб этади.

8. Гуруҳли – гуруҳни қўллаган ҳолда кишилардаги шахсий бузилиш ёки ижтимоий ноқобилликни енгишда кўмаклашишга йўналтирилган таъсир стратегияси. Гуруҳлар турли тамойилларга биноан шаклланиши мумкин: булар ёш, жинсий. Касбий, ўқув, ва ҳ.к. аниқ бир гуруҳга кирган кишилар ўхшаш муаммоларининг ечимини топишдан манфаатдор бўлишлари шарт.

---

<sup>1</sup> Социальные технологии: Толковый словарь. - М., 1994, - С. 277.

<sup>2</sup> Тетерский С.В. Введение в социальную работу. - М.: Академический проспект, 2001. – С. 496.

Одатда гуруҳли терапия психотерапевтик процедураларни қўллашни назарда тутди.

9. Оилавий терапия – ижтимоий иш ходими ёки бошқа мутахассиснинг оилани яхлит бирлик сифатида ўрганишда қўлланувчи технология.

Юқорида қайд этилганидек социал терапия методлари киши, гуруҳ ёки жамоанинг ижтимоий ёки шахсий муаммоларини ечиш методларидир. Ушбу методлар нафақат ижтимоий иш ходимлари балки, бошқа мутахассислар томонидан ҳам самарали тарзда қўлланилиши мумкин. Аммо, ижтимоий иш тарихи давомида ижтимоий иш амалиётида социал терапиянинг махсус усуллари шаклланди. Хусусан:

1. Бихевиорал ёндашув – XX асрнинг 60 йилларида ижтимоий иш амалиётига кириб келди. Бугунги кунда ижтимоий-терапевтик таъсир методларидан энг долзарб, самарали ва натижадори саналади<sup>1</sup>. Бихевиорал метод тарафдорларининг фикрига биноан кишилар айна дамда ва айна вазиятларда мавжуд имкониятлардан энг яхшисини қўллашга ҳаракат қиладилар. Кишининг хулқ-атвори социал-терапевтик фаолиятда асосий таъсир кўрсатувчи объект саналади. Бунда хулқ-атвор кишининг ўраб турган муҳитга акс таъсирининг асосий уч шаклининг бирилиги сифатида кўриб чиқилади. Булар ҳиссий ёки аффектив – яъни содир бўлаётган воқеа ҳодисани шу заҳотда ҳиссий қабул қилиниши бўлиб, унинг намоён бўлиш шакли кишининг англамаган ва назорат қилинмайдиган ҳатти-ҳаракатидир.

1. Компетент ёки когнитив таъсирланиш билим ва фикрлашга асосланган.

2. Тўғридан тўғри ва очиқ таъсирланиш – субъектнинг содир бўлаётган воқеа ҳодисага адекват таъсирланиши.

3. Когнитив метод социал терапиянинг яна бир самарали ва кенг тарқалган усулларида бири. XX асрнинг 60 йиллари бошларида ушбу метод

---

<sup>1</sup> Энциклопедия социальной работы. В 3-х т. – М.: Центр общечеловеческих ценностей, 1996. - С.81-87.

социал терапияда қўлланиб бошланди. Когнитив терапиянинг асосий тамойилига биноан кишиларга хос ҳиссиётлар, ҳис туйғу, ҳулқ-атвор турлари кишиларнинг фикрлаш, тасаввур қилиш қобилияти яъни, когнитив жараёнлар билан боғлиқ. Ушбу тамойилдан келиб чиқиб, кишининг когнитив жараёнларини ўзгартириш ва шу билан бир вақтда ҳулқ-атворли ва ҳиссий муаммолар билан мустақил енгил имкони пайдо бўлади<sup>1</sup>.

Когнитив терапия доирасида мижоз ўз реаллигини фаол ва онгли тарзда қурувчи субъект сифатида қабул қилинади. Бу билан вазиятга когнитив аралашувнинг стратегияси бегиланади ва улар қуйидаги элементларни қамраб олади:

Биринчидан, муаммони аниқлаш ва баҳолашнинг яхлит жараёни. У юзага келган вазиятни бир бутунликда таҳлил қилишни назарда тутди. Субъектнинг асосий муаммоларига аниқлик киритиш. Бундан ташқари асосийси мижоз учун муаммони қабул қилиш даражаси ва уни қабул қилиш хусусиятларига аниқлик киритилади.

Иккинчидан, субъектнинг дисфункционал тасаввурлари, ақидалари, фикр ва баҳоларини ўзгартириш жараёни. Ижтимоий иш ходимининг вазифаси кишининг когнитив ҳаётининг маълум қисмларини ўзгартириш унинг фикрлаш ва баҳоловчилик фаолиятини ижобийлаштириш.

**3. Социал профилактика** – турли даражадаги социал муаммоларга аниқлик киритилиши уларни олдини олишга қаратилган фаолиятни назарда тутди. Гап социал профилактика ҳақида бормоқда. Социал профилактика бу – онгли мақсадли ва ижтимоий ташкилланган фаолият бўлиб, эҳтимолий ижтимоий, психологик педагогик ва ҳуқуқий муаммоларнинг олдини олиш ва кутилган натижага эришишга йўналтирилган фаолиятдир<sup>2</sup>.

Социал реабилитация - Ижтимоий иш вазифаларидан бири киши, гуруҳ ёки жамоанинг ўз ҳаётининг фаолиятига фаол, ижодий, мустақил муносабати

<sup>1</sup> Энциклопедия социальной работы. В 3-х т. – М.: Центр общечеловеческих ценностей, 1996. –С.13-15.

<sup>2</sup> Социальная работа / Общ. ред. проф. Курбатова В.И. - Ростов-на/Д: Феникс, 1999. – С. 221.

ҳолатида сақлаб туришдир. Бунда худди шу ҳолатни қайта тиклаш жараёни катта роль ўйнайди.

Ҳар қандай инсон ўз умри давомида оғир ҳаётӣ вазиятларга тушиб қоладики оқибатда ўрнатилган ва одатга айланган ҳаётӣ фаолият модели бузилади, ўрнатилган социал алоқалар ва муносабатлар узилади ва унинг социал муҳити ўзгаради. Бундай шароитда субъектга нафақат янги шарт шароитларга мослашиши балки йўқотилган социал мақоми, жисмоний, ҳиссий ва психологик заҳираларини тиклаши керак бўлади. Бошқача қилиб айтганда, инсон ёки гуруҳнинг ижтимоий ва шахсий муаммоларини ечимини топишда унга социал реабилитацион хизмат кўрсатишни ташкил этиш аҳамиятли саналади.

**4. Социал реабилитация** – маълум сабаблар боис бузилган ёки йўқотилган ижтимоий алоқа ва муносабатлар, ижтимоий ва шахсий аҳамиятли характеристика ва субъектнинг хусусиятлари ва имкониятларини тиклашга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуасидир<sup>1</sup>.

Социал реабилитацияга бўлган эҳтиёж бу универсал социал ҳодисадир. Социал адаптация тушунчаси илм-фанда илгаридан кенг қўлланиладиган тушунчалардан биридир. «Адаптация» «адаптацион жараён» тунушчалари илм-фанда чекланмаган ҳолда қўлланилиб, бугунги кунда ушбу тушунча биология, ижтимоий иш, социал психология, фалсафа, кибернетика, социология, экология каби фанларда кенг қўлланади. Адаптацион жараёнлар муаммоси инсон ва уни ўраб турган муҳитни комплекс тадқиқ қилишни аназарда тутди.

Ушбу тадқиқотлар дастлаб биологияда бошланган бўлиб унга биноан адаптация организмнинг тузилиши ва функцияларини яшаш шарт шароитларига мослашиши ва ўрганиши жараёнидир.

---

<sup>1</sup> Социальная работа: теория и практика / Отв. ред. Холостова Е.И., Сорвина А.С.- М.: ИНФРА-М, 2001. – С.327. (- 427 с.)

Маълум маънода инсоннинг ҳаётӣ жараёнини «тирик қолиш» учун янги социал муносабатлар, гуруҳлар, қадриятлар тизимиға мослашиб қолиш жараёни, деб талқин қилиш мумкин. Бу аввалом бор, ижтимоӣ ҳаётнинг динамик хусусиятлари боис содир бўлади. Умумий қилиб айтганда, социал адаптация – бу «субъектнинг социал муҳит билан ўзаро муносабат жараёни бўлиб, бунда унинг иштирокчилари ўртасида талаблар ва кутилмалар шаклланади<sup>1</sup>.

Ушбу жараённинг муҳим элементи субъектнинг ўзини ўзи баҳолаши, хоҳишлари имкониятлари ва социал муҳит воқелиғи ўртасида мутаносибликни ўрнатилишидир. Ушбу мутаносиблик ўз ичига биринчидан, айни дамда социал муҳит ва субъект ҳолатининг реал даражасини ва иккинчидан, социал муҳит ва субъектнинг имкониятлари, тенденциялари ва қонуниятларининг эҳтимолий даражасини қамраб олади. Юқорида келтирилганлардан хулосалаб шуни таъкидлаш мумкинки, социал адаптация жараёни бу – социал муҳит ва субъектнинг бир-бирига нисбатан ўзаро мақсадли йўналтирилган жараёндир. Бу жараён бошқа жараёнлар билан узвий боғлиқликда кечади. Социал адаптация – бу субъектнинг социал муҳитни ўзлаштириш жараёни яъни ижтимоӣлашувидир. Ушбу жараён субъект томонидан нафақат социал алоқалар ва муносабатлар, социал меъёр ва қадриятлар тизимини англаш, уларни истеъмол қилиш ва қўллаши, балки янги меъёрлар ва қадриятлар, алоқа ва муносабатларни шакллантириш ва уларни тақсимлаш, узатишда субъектнинг фаол иштирокини назарда тутати. Шу тариқа социал адаптация ва ижтимоӣлашув тушунчалари бир-бирини ўзаро тўлдирати ва ўзаро аниқлик киритади.

Ижтимоӣлашув субъектнинг ўзгарувчан ҳаётӣ фаолиятни англаш ва ўзлаштириш қобилияти мавжудлиғини назарда тутса, бошқа томондан социал адаптация шахс социализацияси механизми ва социализациянинг бир

---

<sup>1</sup> Социальная работа / Общ. ред. проф. Курбатова В.И. - Ростов-на/Д: Феникс, 1999. - С. 47. ( 576 с)

шаклидир. Шу билан бирга бу икки жараён бир-биридан тубдан фаркланади<sup>1</sup>. Бунда ижтимоийлашув жараёни нисбатан узоқ вақтли, мунтазам жараён бўлиб у эволюцион характерга эга ва янги билим, малака ва кўникмаларни англаш, тўплаш ва ўзлаштиришни назарда тутди. Ушбу жараёнда социал кадриятлар ва меъёрлар шахснинг ўз фаолиятни тартибланиши ички механизмларига айланиб боради (интериоризация жараёни).

Адаптация жараёни эса қисқа вақт доирасида содир бўлади ва у революцион хусусиятга эга бўлиб қисқа вақт давомида юзага келган социал ўзгариш ёки муаммони бартараф этиш ёки ўзлаштириш жараёни содир бўлади. Социал адаптация жараёнида барча жараёнлар эмас, социал муҳитнинг нисбатан барқарор ва аҳамиятли элементлари ва социал муаммоларнинг ечимини топишнинг типик шакллари ва воситалари ўзлаштирилади. Социал адаптация жараёни қуйидаги босқичлардан иборат яхлит жараёндир:

1. Адаптацион шок, ташқи муҳит билан ўзаро муносабатнинг одатий шаклини кескин бузилиши оқибатида юзага келган социоген зарба натижасида субъектнинг ёки тизимнинг функцияларини умумий бузилиши назарда тутилади<sup>2</sup>. Бу социал адаптациянинг нисбатан оғриқли босқичи бўлиб, у кишини кескин кўрқув ва ҳаракатсизликка шу билан бир пайтда содир бўлаётган ўзгаришларни мазмунини англашга бўлган дастлабки уриниш давридир. Айнан мана шу босқичда субъект социал муҳитнинг янги элементларини ўзлаштириш заруратини англайди ва уларнинг ижобий ва салбий томонларини сарҳисоб қилади.

2. Адаптацион захираларини сафарбар этилиши. Бунда адаптацион шок давридан ўтган субъектлар вазиятни чуқур англаш ва ундан чиқиш

---

<sup>1</sup> Социальная реабилитация дезадаптированных детей и подростков в специализированных учреждениях. - М., 1996.

<sup>2</sup> Корель Л.В. Социальная адаптация: этюды апологий. - Новосибирск, 1997. – С.124. (158 с).

йўллари оғли тарзда қидириш учун кучни жамлаш босқичи бошлади<sup>1</sup>. Бу босқич ҳаётининг фаолиятнинг янги моделларини хулқ атвор даражасида оғли тарзда қидириш, танлаш ва ўзлаштириш билан боғлиқ. Бу босқич субъектнинг адаптацион салоҳиятини фаоллаштиришни назарда тутди.

3. Муҳитнинг чақирғига жавоб. Бу социал адаптация жараёнининг якуний босқичи бўлиб, унинг мазмунига биноан хулқ ва фаолиятнинг аниқ модели субъект томонидан танланади ва у шахснинг ўз хулқ атвори ва фаолияти хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда танланади. Ушбу жараёнда социал адаптация кечаётган ижтимоий муҳитнинг асосий хусусиятлари эътибордан четда қолдирилмайди<sup>2</sup>.

Социал адаптациянинг асосий механизмларини турлича туркумлаш мумкин. Нисбатан самарали механизмларни туркумлашда биринчидан, адаптация шаклини субъект томонидан қабул қилиш шакли бўйича, иккинчидан, адаптация жараёнида қўлланиладиган восита бўйича.

Биринчи вазиятда социал адаптациянинг икки асосий механизми ажратиб кўрсатилади: Булар ихтиёрий ва мажбурий.

Ихтиёрий адаптацияга биноан субъектга муҳит томонидан таклиф этилётган ҳаётининг фаолият шарт-шароитлари унинг қадриятли мўлжаллари, эътиқод ва ғояларига зид келмайди ва субъект олдида янги истиқболлар ва имкониятларни очди. Шу боис субъект томонидан қаршиликсиз қабул қилинади<sup>3</sup>. Ихтиёрий адаптация шароитида субъект мослашиши шарт бўлган социал муҳитдаги ўзгаришлар биринчидан, уни яшашига ҳалақит бермайди, иккинчидан, субъектнинг олдинги қадриятли мўлжаллари, тамойиллари ва ғоялари алоҳида қаршилик ва тангликсиз янги шарт-шароитларда ўзгаради. Учинчидан, социал муҳит томонидан субъект фаолиятига қўйилаётган

---

<sup>1</sup> Корель Л.В. Социальная адаптация: этюды апологий. - Новосибирск, 1997. – С.125.

<sup>2</sup> Корель Л.В. Социальная адаптация: этюды апологий. - Новосибирск, 1997. – С. 126.

<sup>3</sup> Теория и практика социальной работы: Методические материалы / Отв. ред. Попов А.М., Холостова Е.И. - М.: Ин-т соц. работы, 1997. – С.45. (113 с.)

талаблар маълум маънодаги тўғирланади-ки бу субъектга тушунарли бўлиб қолади.

Мажбурий адаптация – аксинча субъект учун янги ҳаётий муҳит, унинг кадрият-меъерий установакаларига мос келмайди ва аксинча зид бўлади. Шундай бўлса-да субъект ушбу меъерларни қабул қилишдан бош торта олмайди<sup>1</sup>.

Яъни, ихтиёрий адаптациядан фарқли равишда кишидан янги ҳаётий фаолиятни шарт шароитларини қабул қилишни қатъий талаб этади. Бусиз киши ўзини рўёбга чиқаришда янги социал жой ва янги имкониятларга эга бўла олмайди. Мавжудлари эса йўқотилади.

Социал адаптация жараёнида қўлланиладиган воситалардан келиб чиқиб ушбу жараённинг яна бир гуруҳ механизмлари ажратиб кўрсатилади:

1. Психик механизмлар – субъект руҳиятини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган.

Социал адаптация вазифаларини бажаришда субъект адаптация хулқнинг турли шакллари танлаши мумкин. Улар ичида асосийларидан бири конформизм ёки бўйсунуш.

**5. Социал консултация** - замонавий жамиятлар киши олдида шунқа муаммоларни кўндаланг қўяди. Бу каби муаммолар балки унинг ўтган авлодларида ҳам учрамаган бўлиши мумкин. Бу социал мобиллик темпининг ошиб бориши, асосий меъер ва қадритларнинг тубдан ўзгариши, жамиятнинг урбанизациялашув жараёни тезлигини ошиши, шахснинг социал мухториятини ошиб бориши каби омиллар билан шартланган. Санаб ўтилган омиллар ва бошқа қатор сабаблар боис, аксарият кишилар ўзининг шахсий ёки социал муаммосининг ягона самарали ечим усулини танлашга эҳтиёж сезади. Айрим вазиятларда муаммонинг ечим йўллари топишда кишининг билими, тажрибаси етарли бўлмайди. Шунда киши мутахассис ёрдамига

---

<sup>1</sup> Теория и практика социальной работы. В 2-х т. - М.: Союз, 1994. – С. 48.

таянишга мажбур бўлади. Бунда социал консалтация хизматини кўрсатиш назарда тутилади.

Консалтациянинг асосан икки тури ажратиб кўрсатилади:

1. **Функционал консалтация** – бунда консалтант муаммонинг ечими билан шахсан шуғулланмайди. Балки мижозга кўмаклашиш мақсадида зарурий маслаҳатларни бериб боради. Бундай вазиятда консалтант бирор бир вазифа ёки муаммонинг ечимни топишда ёрдамчи вазифасини ўтайди.

**Профессионал консалтация** – бунда консалтация профессионал ёрдам кўрсатиш хизмати сифатида фаолият кўрсатади. Бунда махсус таълимга эга, малакали мутахассислар мижоз муаммосига аниқлик киритиш, уларни таҳлил қилиш ва унинг ечими бўйича тавсиялар бериш ва муаммонинг ечимини опишда амалий кўмаклашиш билан бевосита шуғулланади. Консалтациянинг ушбу шакли мижознинг якка ўзига йўналтирилган махсус дастур асосида юритилади.

Хуллас, **биринчидан**, ижтимоий иш ходимлари замонавий жамиятлардаги турли соҳалардаги ва турли даражадаги хилма-хил масалаларни ҳал қилишда илмий асосланган методлар ва технологиялар кенг фойдаланади. Жумладан, индивидлар, оилалар, кичик гуруҳлар, болалар, қариялар билан ишлаш, тиббий муассасаларда консалтант ва психотерапевт бўлиб ишлаш давомида ижтимоий иш назариялари билан чамбарчас боғлиқ умумий ва хусусий методлар ва технологиялар кўл келади.

**Иккинчидан**, ижтимоий ишдаги методлар ва технологияларнинг хилма-хиллиги бир томондан ҳозирги замон жамияти тизимидаги ижтимоий муаммоларнинг турли жиҳатларини ва улар ечимининг хилма-хил вариантларини топишда имкон берса, бошқа томондан, ижтимоий иш замонавий илм-фан тизимининг ажралмас қисми эканлигидан далолат беради.

**Учинчидан**, ижтимоий иш ходимидан нафақат ижтимоий иш назариялари ва усулларини, балки, жамият ҳақида тўлиқ тасаввурга эга

бўлиш, ижтимоий гуруҳлар, жамоаларнинг мавжудлик қонуниятлари, меъёрлари, эҳтиёж ва қизиқишлар, миждозларнинг маданий, этник ўзига хосликларини фарқлай олиши талаб этилади.

**Тўртинчидан**, ижтимоий иш ходими миждоз билан муносабатлари муваффақиятли кечишини таъминлашда хизмат қилувчи ижтимоий мақом, биологик ўзига хослик, индивидуал рухий, физиологик хусусиятлар ва уларга бевосита таъсир ўтказувчи ижтимоий омиллар борасида етарлича билимга эга бўлиши шарт. Демак, ижтимоий иш бу нафақат назария, балки, оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган ва ёрдам мухтож инсонлар билан самарали муносабат юритиш санъати ҳамдир.

## **1.2. Якка тартибда ишлаш амалиётининг назарий-методологик асослари**

Ижтимоий иш ходими миждознинг табиий ва ижтимоий эҳтиёжлари тўқнашувидан ҳосил бўлувчи зиддиятлар билан ишлашига тўғри келади. Бундай ҳолатларда ижтимоий иш ходими учун миждознинг нафақат ижтимоий муҳити ва ички дунёсини билиш, балки, унинг учун маъқул ижтимоий меъёрлар ва қадриятлар, ҳулқ-атвор андазалари, ҳатти-ҳаракатларнинг ички турткилари ўртасидаги мувозанатни тўғри англаши муҳимдир. Сабаби, ижтимоий ишнинг барча даражаларида (индивидуал, гуруҳли, жамоавий) мувозанатни таъминловчи омил тизим таркибий элементларининг барқарорлиги ҳисобланади.

Якка тартибда ишлаш (*social casework*) – ижтимоий ишнинг дастлабки методларидан биридир. Индивидуал ишнинг марказий концепциясига биноан инсон муаммолари ечимининг энг самарали стратегияси индивиднинг иродавий хусусиятларини мустаҳкамлаш ва қўллаб-қувватлашдан иборат. Индивидуал иш тартиби миждоз билан ишлашда нафақат режалаштириш

балки кишининг атроф муҳити билан ўзаро мулоқотнинг муқобил шарт-шароитларини қидириб топади.

Ўрта Осиё халқлари тарихидаги мусулмончилик даври рухонийларнинг ижтимоий ҳаётдаги иштирокини давом эттирди ва бойитди. Масжидларга ҳамда ижтимоий-диний ҳамжамиятларга ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва қўмак бериш вазифалари юкланди. Ижтимоий ёрдам турлари яқка тартибдаги ва жамоавий шаклларга эга эди. Ҳар кимнинг Ислом динининг асосий фарзларини бажариши яқка тартибдаги ёрдамнинг энг кенг тарқалган шакли ҳисобланади, хайр-эҳсон тарқатиш, муҳтожларга моддий ёрдам бериш шулар жумласидандир. Хашар – жамоа ёрдами, хайр-эҳсон тарқатиш, тиббий қўмак, махсус бепул касалхоналарни ташкил этиш жамоавий ёрдам шакллари орасида энг кенг тарқалган тури ҳисобланади.

Ёрдам беришга интилиш инсонга хос фазилат эканини қайд этиш зарур. Инсоннинг диний бурчи, муҳтожларга инсонпарварлик хизматлари кўрсатиш тизими сифатида ижтимоий ёрдам ва хайрия барча жаҳон динларининг асосида ётади.

Индивидуал ижтимоий иш методи вазият билан яқка тартибда «юзма-юз» тарзда ишлашни назарда тутиб, миждознинг шахсий ва ижтимоий муаммолари ечимини топишда самарали саналади. Миждозга хос индивидуал муаммолар қаторидан ҳиссий муаммолар, шахсий кризислар, оилавий зиддиятлар, ишлаб чиқариш ёки мактабдаги муаммолар ўрин олган.

«Юзма-юз» методи ижтимоий иш ходими ва миждоз ўртасида маълум муносабат ўрнатилганлигини англатади. Индивидуал иш тартибига биноан нафақат миждоз билан ишлашнинг кетма-кетлиги ўнатилади балки ижтимоий иш ходими фаолиятига қўйиладиган талаблар белгилаб олинади.

Индивидуал ижтимоий ишда Л.Жонсон концепциясига мувофиқ иш тартиби фаол тизим сифатида намоён бўлади. Вазият билан ишлашда субъект-субъектли ўзаро муносабат кетма-кет хатти-ҳаракатлар узвийлигида содир бўлади. Аввало ижтимоий иш ходими ва миждоз ўртасида шартнома

ўрнатилиши шарт. Ижтимоий иш ходимининг вазият билан индивидуал тарзда ишлаш тартиби қуйидагича кечади:

**1. Мижознинг ўз вазиятини ўзгартиришдаги бирламчи эҳтиёжини аниқланиши.** Бу босқичда ижтимоий иш ходими миждознинг ўз муаммосини англай олмаётганлиги ва унинг ечимини топишга интилмаётганлиги билан тўқнаш келиши мумкин. Ижтимоий иш ходими бу босқичда миждоз эътиборини мавжуд муаммога тортиши ва суҳбат давомида эҳтиёткорлик билан муаммонинг мавжудлигини намоиш этиши мумкин. Бунда миждознинг муаммоли вазиятдан чиқиш истагини ўйғотиш муҳим аҳамият касб этади.

**2. Муаммони ўрганиш ва унга ойдинлик киритиш.** Бу босқич миждоз томонидан ижтимоий иш ходими унинг муаммолари ечимини топишда дарҳақиқат зарурий мутахассис эканлиги анланганда бошланади. Бу босқичда ижтимоий иш ходими ва миждоз ўртасида муаммонинг ечимини топишда зарурий ёндашувларни топишдаги ўзаро муносабатнинг ўрнатилиши содир бўлади.

**3. Мотивация.** Ижтимоий иш ходимининг миждоз билан биргаликда унинг вазиятини баҳолаш. Социал ташҳисни ўрнатилиш. Мижознинг мотивацияси билан ишлаш, чунки миждоз ўз муаммолари ечимини топишни истамаса ижобий ўзгаришлар содир бўлмайди.

**4. Муаммонинг концептуаллашуви.** Ижтимоий иш ходими ва миждоз ўз олдига мақсад қўйиши ва ушбу мақсадга эришишда зарурий вазифаларни илгари суриши. Улар биргаликда муаммонинг қатор ечим йўлларини муҳокама қилади. Зарурий ўзгаришлар ва аралашувнинг методларини белгилайди. Аксарият миждозлар ўз муаммоларини шахсий кемтиклиги билан боғлашга мойил. Шу боис, унинг хулқи нотинч ва жиззаки бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда миждоз муаммосининг у ёки бу жиҳатдан ўзгартириш мумкинлигини тўғри баҳолай олмайди.

**5. Ечим йўллари топиш.** Мижозни муаммодан чиқишида зарурий фаолиятига жалб қилиш. Ижтимоий иш ходими ва мижоз ўртасидаги ўзаро мулоқот давомида муаммонинг ечим йўллари топишда ҳамкорлик ўрнатилади. Зеро, ҳар бир мижоз ва унинг муаммоси ноёб ҳодиса саналади. Битта мижоз манфаатларига дахлдор бўлган ҳолат иккинчи мижоз учун мутлақ фойдасиз бўлиши мумкин.

Ижтимоий иш ходими ва мижознинг ҳамкорликдаги фаолиятининг якунини баҳолаш, вазиятни юмашаши ва барқарорлашувини умумлаштириш асосида режалаштирилган иш фаолиятига ойдinлик киритилади. Бунда мижоздан қатъият ва ўз муаммоларини ечимини топишдаги иродавий хусусиятларининг мустаҳкамлиги талаб этилади.

Ижтимоий иш ходими ва мижознинг узоқ ва мунтазам фаолияти натижасида эришилган конструктив натижалар ижтимоий иш ходими фаолиятининг самарадорлигини кўрсатади ва ушбу ҳамкорлик асосида индивидуал иш тартибини яқунланишига имконини беради.

Ижтимоий иш ходими ахлоқий тамойилларидан келиб чиқиб мижоз билан индивидуал ишлаш давомида қуйидаги тамойилларга риоя этиши шарт:

- мижознинг индивидуаллигини ҳурмат қилиши;
- мижоз ўз ҳиссиётларини изҳор этиш ҳуқуқига эга;
- ижтимоий иш ходими назорат этиладиган ҳиссий ҳамдардликни намоён этиши шарт;
- мижоз ижтимоий иш ходими томонидан рад этилмаслиги, аксинча «қабул қилиниши» шарт;
- мижоз ижтимоий иш ходими уни «баҳолаётганлигини» сезмаслиги лозим;
- мижознинг мустақил қарор қабул қилиш ва танловни амалга оширишдаги ҳуқуқини ҳурмат қилиш;
- мижоз конфиденциаллик ҳуқуқига эга.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, санаб ўтилган тамойиллардан ташқари индивидуал иш тартибига биноан ижтимоий иш ходими миждознинг таъсирига тушиб қолмаслиги талаб этилади. Сабаби, маълум вазиятларда ижтимоий иш ходими шу тариқа мустақил фаолиятини чегаралаб қўйиши мумкин.

Ушбу тамойиллар қаторидан қуйидагилар ҳам ўрин олган:

- миждознинг муаммосига дахлдор бўлмаган «учинчи шахсга» кўмаклашмаслик:

- кишининг мутлақ ҳимоясиз ва имконсиз эканлигига ишонманг (хушсиз ҳолатдан ташқари):

- бошқа кишини қандай бўлмасин ўзини яхши ҳис этишга мажбурламанг.

- бошқа киши учун қарор қабул қилманг ва ўз нуқтаи назарингиздан келиб чиқиб тўғри деб билган қарорингизни қабул қилишга ундаманг.

Вазият билан индивидуал иш тартибининг асосий методлари мавжуд бўлиб, бунда индивидуал иш алоҳида шахслар ва уларнинг оилаларига уларнинг ижтимоий муаммолари ечимини топишда ва ижтимоий барқарор ҳаёт тарзига эришишда профессионал методлар билан миждозга кўмаклашишни назарда тутати.

Муаммолар ечимини топиш методи - Х. Перлман томонидан ишлаб чиқилган. Ушбу метод психодинамик назариянинг бош ғоясига таянади. Ушбу ғояга биноан инсоннинг бутун ҳаёти «муаммо-ечим жараёни» сифатида кечади. Шахс қуйидаги омиллар боис ўз муаммоси ечимини топа олмади:

- бунга етарли мотивациянинг йўқлиги;

- муаммо ечимини топиш устида ишлаш имконининг етарли эмаслиги ва бу истакнинг йўқлиги;

-ижтимоий иш ходимининг вазифаси худди шундай вазиятдаги мижозларга кўмаклашишдан иборат.

1. Психосоциал метод - Ф. Холлис томонидан таклиф этилган бўлиб, унга мувофиқ кейинчалик диагностик ва психаналитик мактаблар шаклланди. Ушбу методга мувофиқ мижоз билан индивидуал ишлаш асосида субъектнинг оғма ва дезадаптив хулқи сабабларига кириб бориш ва «мижоз касаллиги тарихини» яратиш саналади. Ушбу методга мувофиқ «вазиятда шахсият»ни мураккаб диагностикаси таклиф этилади. Ф.Холлис мижоз билан ишлашда уни ўраб турган муҳитига эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатади. Психосоциал метод мижоз томонидан индивидуал муаммолари хусусиятларини тўғри англанишида масалан, соғлиқ билан муаммоларда кенг қўлланилади..

2. Вазифага йўналтирилган ёндашув ёки аралашувга биноан – мижоз томонидан муаммони қабул қилишни енгиллаштириш назарда тутилади. Ушбу методга биноан муаммога мижоз томонидан ижтимоий иш ходими билан келишилган ҳолда аниқлик киритилади. Модель кризисли интервенция, муаммога-йўналтирилган ва функционал ёндашувларнинг элементларидан иборат. Ижтимоий иш ходим ива мижоз ўртасидаги босқичли ишга кўра авваламбор мижоз муаммосининг хусусиятлари ўрганилади, шартнома имзоланади, вазифалар режалаштирилади. Ушбу метод 1970 йилда Рид ва Эпштейнлар томонидан таклиф этилган.

3. Хулқ-атворга йўналтирилган ёндашувга биноан индивидуал ижтимоий ёрдам соҳасидаги илк амалий қадамлар бихевористтик психологиянинг назарий асослари томонидан ўрнатилган ва кейинчаик психоанализ амалиёти томонидан сиқиб чиқарилган. Бироқ XX асрнинг 60-70 йилларида таълим соҳасидаги ижтимоий ишга хулқ-атворли ёндашув қайтарилди. Хулқ-атворли ёндашув ижтимоий ишдаги «шахс-муҳит» тизими хусусиятларини батафсил изоҳлайди. У атроф-муҳитнинг шахсиятга доир

захираларига таянади. Ушбу захиралар ҳул-атвори ўзгаришига туртки бериш мақсадида қўлланилади.

4. Экологик ёндашув кишининг атроф-муҳит билан муносабатларининг яхшиланишига ҳисса қўшади. «инсон-атроф-муҳит» бир-бирини тўлдирувчи тизимлар сифатида қуриб чиқилади. Экологик ёндашувни қўллаб давомида аралаштириш (интервенция)га икки қарра талаб қўйилади.

- мижознинг ҳаётини маконидаги муҳитга нисбатан билимдонлиги ошириш, уни «ҳаётини фаолият» кўникмаларини бойитиш;

- ёрдам ва ҳимоятнинг турли шакллари орқали мижозга хайрихоҳ муҳитни шакллантириш.

5. Функционал индивидуал иш. Функционал индивидуал иш асосида Отто Ранкнинг психологик ёндашуви ётади. З.Фрйднинг ғояларидан илҳомланган Ранк ҳар бир шахс таракқиётидаги кризисли ҳолат туғруқ давомидаги жароҳатлар сабаб ривожланади деб ҳисоблайди. Шу боис индивидуалнинг ижтимоий иш ходими билан тўқнаш келиши тайин.

Ушбу йўналиш вакиллари ўз диққатини ёрдам кўрсатишга жамлайди. Бунда психоаналитиклардан фарқли равишда мижознинг болаликдаги кечинмаларига кам эътибор қаратилади. Ўзгаришга бўлган ирода ва қобилият – ушбу ёндашув асосида ётувчи асосий доминант тушунчалардир. Ушбу мактаб вакиллари фаолиятидаги аҳамиятли жиҳатлар ижтимоий иш ходим ива мижоз ўртасида ўрнатилган муносабатдир. Ушбу муносабат ёрдам кўрсатиш жараёнини белгилаб беради.

Ушбу жараёни етакчи аҳамият касб этиб индивидуал иш тартибининг асосий хусусиятлари намоён бўлади. ижобий доминантларнинг мавжудлиги ёрдам кўрсатиш жараёнини қуриш имконини беради. Ушбу ижобий доминантлар аксиома тарқида хизмат қилади.

6. Кризисга йўналтирилган қисқа муддатли индивидуал иш методи комбинациялашган метод бўлиб, психотерапия, амалий психология ва ижтимоий ишдаги рационал мунозара элементларини қамраб олади. У

хавотирланиш, уят ҳисси, айбдорлик туйғуси, тундлик ва жиззакиликда кўлланилади. Ижтимоий иш ходими мижодаги психологик ва социал тангликни юмшатиб унга тегишли қарорларни қабул қилишда кўмаклашади.

7. Индивидуал иш тартибида рационал метод Г.Вранет ва М.Кинди томонидан индивидуал ишнинг психоаналитик моделларига муқобил шакл сифатида таклиф этилган. унинг асосида ўзгаришга бўлган интилиш истаги интенсивлиги иродавий хусусиятлар кучига боғлиқ. «Худди шу жойда ва энди» тамойили мижознинг реал вақт ўлчамида фикрлари, ҳиссиётлари, ҳулқ-атворида диққатини жамлайди. Методнинг мақсади мижознинг онгини ўзгартириш саналади. ўзаро муносабат муаммолар ечими доирасида ўрнатилади.

В.Глассер томонидан таклиф этилган реаллик билан даволаш методига биноан кишилар ўзларининг қадрли эканликларини англаши учун ўз ҳулқ-атворини англаши ва масъулиятини ҳис этишлари лозим. Ўзаро муносабат стратегияси мижоз ҳулқ-атворининг идентификациясига йўналтирилган. Унинг бошқалар билан муносабаиларида конфронтация ва агрессияни бартараф этишга қаратилади.

Аксикреация – жараёни.

Аксиогенез – субъект қадриятлари тизимини босқичма-босқич ҳамда узвийликда такомиллаштириш ва ривожлантириш.

**Биринчидан,** Ижтимоий иш ходими ва мижознинг ҳамкорликдаги фаолиятининг якунини баҳолаш, вазиятни юмашаши ва барқарорлашувини умумлаштириш асосида режалаштирилган иш фаолиятига оидинлик киритилади. Бунда мижоздан қатъият ва ўз муаммоларини ечимини топишдаги иродавий хусусиятларининг мустаҳкамлиги талаб этилади.

**Иккинчидан,** Ижтимоий иш ходими ва мижознинг узоқ ва мунтазам фаолияти натижасида эришилган конструктив натижалар ижтимоий иш ходими фаолиятининг самарадорлигини кўрсатади ва ушбу ҳамкорлик асосида индивидуал иш тартибини яқунланишига имконини беради.

*Учинчидан,* шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, санаб ўтилган тамойиллардан ташқари индивидуал иш тартибига биноан ижтимоий иш ходими миқознинг таъсирига тушиб қолмаслиги талаб этилади. Сабаби, маълум вазиятларда ижтимоий иш ходими шу тариқа мустақил фаолиятини чегаралаб қўйиши мумкин.

## **2. БОБ. ИЖТИМОЙ ИШ АМАЛИЁТИДА ЯККА ТАРТИБДА ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ ЭМПИРИК ТАҲЛИЛИ**

### **2.1. Индивидуал иш тартибида вазиятни баҳолаш жараёнининг асосий босқич ва тамойиллари**

Баҳолаш учун маълум бир ҳаракатларни (ёки қўшимча ёрдамни қанчалик муҳим ва муҳим эмаслиги учун) белгилаш мақсадида кучли томонлар, эҳтиёжларни аниқлаш мижоз ҳақида маълум бир ҳажмдаги маълумотларни тизимлаш жараёни, деб номлаш мумкин.

Баҳолаш ёрдамида мижознинг оғир ҳаётий вазиятдан чиқишини келгусидаги ривожланишини аниқлаш мумкин бўлган дастлабки маълумотни олиш имкониятини туғдиради. Маълумотлар турли манбалардан олинган бўлиши зарур.

Баҳолашни самарали амалга ошириш калити баҳоловчи томонидан мижоз ва унинг яқин қариндош уруғларини ҳамкорликда ишлашга жалб этиш ҳисобланади<sup>1</sup>.


Баҳолаш ишларини амалга оширадиган амалиётчилар профессионал салоҳиятли олий маълумотли ва тажрибага эга, мижознинг баҳолаш жараёнига қандай жалб қилишни биладиган ва болалар, ёшлар, оила, оналар ва тарбиячилар, хуллас, аҳолининг кенг қатламлари билан ишлай оладиган бўлишлари керак.

Бунда ижтимоий иш ходимидан қуйидаги билим ва малакалар талаб этилиши мумкин:

---


<sup>1</sup> Мелкумян Э., Хакимова О. Оилалар ва болалар билан ижтимоий иш амалиёти: психологик ва педагогик модулар. – Тошкент: NISO-Poligraf, 2014.

**1-расм. Баҳолаш жараёнида ижтимоий иш ходими билим ва амалакасига кўйиладиган талаблар**



Баҳолаш яхлит циклнинг бир қисми ҳисобланади. Баҳолашнинг асосида ҳаётга татбиқ этиладиган ҳаракат режаси амалга оширилади. Келгусидаги баҳолашни амалга ошириш учун яна бир бор режасини кўриб чиқиш лозим. Баҳолаш ўз-ўзидан миждоз ва уларнинг оилалари, болалари ҳаётини самарали ўзгартиришга олиб келади.

**2-расм. Баҳолаш цикли**




Баҳолашни ўтказишда ижтимоий иш ходими ва миждоз ўртасидаги муносабатни ривожлантириш учун кимларни жалб қилиш кераклиги муҳокама этилади. Вазиятни баҳолаётган ходим миждоздан ташқари ким баҳолашда иштирок этишини аниқлаши лозим.

Улар шунингдек, агар зарур бўлса, мижоздан ташқари бошқаларни ҳам кўриб чиқишлари лозим. Мижознинг яқин қариндошлари, оила аъзолари баҳолаш нима мақсадда ўтказилаётганлигини тушунишлари шарт. Улар шунингдек, тўпланган маълумотлар кимлар учун очиқ эканлигини билишлари зарур.

Баҳолашни ўтказиш усули кўп ҳолларда баҳолаш натижасида ўз аксини топади. Баҳолаш жараёнида мижоз, уларнинг ота-оналари жалб этиш ҳамда ундаш зарур. Баҳолашни олиб боришда очиқ саволлар, новербал мулоқот усуллари ҳақидаги билимлари шунингдек, тинглаш қобилиятидан фойдаланишлари муҳим аҳамиятга эга. Касбий муҳокама нозик мавзулар муҳокама қилинаётган касбий мулоҳазадан фойдаланиш зарур. Амалиётда баҳолаш ишларини амалга ошириш ва хулоса бериш жараёнини тез амалга ошириш керак эмас. Олинган барча маълумотларни диққат билан қабул қилиш зарур.

Қўшимча маълумотлар йиғиш учун қўшимча профессионал баҳолаш зарур бўлади. Баҳолаш имкон қадар пухта амалга оширилиши лозим, шунингдек, уни амалга ошириш жараёнида қабул қилинган қарорлар ҳақидаги маълумотлар тақдим этилади. Агар самарали жалб этиш жараёни амалга оширилмаган бўлса, баҳолаш ва идентификация эҳтиёжи сифатсиз ҳисобланади.

### 3-расм. Вазиятни баҳолаш усуллари



Бунда объективлик – тест/баҳолаш давомида бошқа шакллар орасидаги мувофиқликни сақлаб қолиш имконини берадиган белгиланган тартибда балларни қўйишга шароит яратса ҳамда кўп вариантли сўровнома ёки жавоб вариантларидан фойдаланиш имконияти бўлган тестлар ҳисобланса, субъективлик – баҳолашда иш сифатини таъминлаш ёки балларни қўйишни белгиловчи инсон таассуротлари ёки фикрларни амалга оширувчи баҳолаш усулидир. Масалан, қабул қилиш жараёнидаги интервью.

Ривожланган давлатларда ҳар қандай оғир вазиятга тушган киши, имконияти чекланган, алоҳида ғамхўрликка муҳтож булган кишилар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига ёрдам кўрсатиш мақсадида, уларнинг мавжуд вазиятларини ўрганиш, таҳлил қилиш, баҳолаш, қарор қабул қилиш жараёнида, авваламбор, миждознинг оиласига мурожаат қилинади ва ижтимоий иш ходимлари томонидан қуйидаги асосий ҳатти-ҳаракатлар амалга оширилиши назарда тутилади:

- Иложи борича оиланинг барча аъзолари билан учрашиш ёки учрашувга таклиф этиш.

- Агар оиланинг бирон аъзоси учрашувга келишдан бош тортса, унинг сабабларини аниқлаш.

- Оиланинг катта-кичик аъзоларининг барчасини суҳбатда фаол иштирокини таъминлашга ҳаракат қилиш.

- Учрашув учун қулай муҳитни яратиш, яъни, хонадаги шароитни ташкиллаштириш, миждозни кутиб олиши, исми-шарифини айтиб, вазиятдан келиб чиқиб қўлини сиқиб қўйиши, миждоз ўзини яхши ҳис қилиши учун имконият яратиш.

- Учрашувгача оиланинг хавотирлари, қайси ташкилотлар оилага ёрдам бериши мумкинлиги ҳақида аввалдан маълумотга эга бўлиш.

- Муҳокама вақтида оиланинг муаммоларидан кимлар воқиф бўлиши кераклигини олдиндан келишиб олиб, уни ёзма тарзда тасдиқлатиб олиш.

- Оила аъзоларига муаммолари ҳақида истаганча гапириб бериш имконини бериш.

- Оила аъзоларининг бир-биридан узоқлашганлик даражаси, оила чегаралари, очик ёки ёпиқлиги, бир-бирига бағрикенглиги, оилавий сирларнинг мавжудлигини ўрганиш<sup>1</sup>.

Умумий баҳолаш кучли томонлар назарияси ва эҳтиёжларни баҳолашга асосланган умумий ёндашувга олиб келиши зарурлигини назарда тутди. У қуйидагича бўлиши зарур:

- оила дуч келган муаммолар сонининг камайиши;
- касбий тўсиқликни синдирмоқ;
- маълумотлар алмашинуви жараёнини яхшилаш.

Самарали *баҳолаш мақсади* қуйидагилар ҳисобланади:

- маълумотларни тўплаш;
- кучли томонларни аниқлаш;
- эҳтиёжларни аниқлаш;
- келгусидаги ҳаракатларни аниқлаш.

Баҳолаш миқдорнинг кучли томонлари, эҳтиёжларига ёки анти-деструктив моделга мос келиши керак. Миқдорнинг кучсиз томонларига нисбатан кучли томонларига урғу берилади, бу эса ўз навбатида , ижобий натижага олиб келади. Бироқ кучсиз томонлар билан боғлиқ бўлган муаммолар ва масалалар эътибордан четда қолмаслиги керак. Баҳолаш амалиётдаги ижтимоий ишчилар миқдор ёки уларнинг оила аъзолари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда маълумотларни олиш ҳамда муаммоларни аниқлаш, шунингдек, уларни ечиш, мос келадиган жавоб реакцияларини баҳолаш мақсадида ижобий тажрибани яратиш зарур. Баҳолаш маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш, келгусидаги режасини белгилаш учун ишончлилиқни таъминловчи амалий тажриба, ўтказилган тадқиқот хулосалари, назарий билимларга асосланиши зарур.

---

<sup>1</sup> Болалар ва оилалар билан ижтимоий иш. – Тошкент: Фан ва технологиялар, 2013. – 7 б.

Самарали *баҳолашнинг асосий тамойиллари* қуйидагилардан иборат:

- мижозга йўналтирилганлик – оиланинг муҳтожлигини таъминлаш учун ўтказилаётган баҳолашда мижоз ёки унинг ота-онасининг фикри диққат марказида бўлиши ва инобатга олинishi зарур.

- очиқлик – мижоз билан ишлаш ҳолати ва очиқ ҳолатда амалга оширилиши зарур. Мақсад барча учун тушунарли бўлиши шарт.

- камситишига қарши – жисмоний имконияти чегараланган инсон эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда, шунингдек, гендер, жинсий, маданий, ирқий тенглик тамойилига асосланиш. Шахсий маълумотлар учун камситишга қарши ва мулозимлик билан муносабат этиш.

- ихтиёрий розилик асосида – мижоз розилиги асосида унга оғир зиён етказмаса, воқеа содир бўлган жойдаги маълумотларни олиш зарур. Бундай ҳолларда қарорни албатта, рўйхатдан ўтказиш шарт.

- ҳамкорликка асосланиш – хизмат кўрсатиш ва маълумотларни тўплаш учун барча иштирокчилар фаол иштирок этиши учун шароитни яратиш.

- долзарблик – маълумот ишончлик бўлиши зарур. Баҳолаш муаммони ҳал этиш ва унга мос келадиган ҳаракат режасига қаратилган ва вақтинча чегарани белгилаш учун хизмат қилади. Зарур бўлган хизматлар баҳолаш жараёнида кўрсатилиши шарт.

- вақтнинг кўлами – бир мартаба ўтказиладиган тадбирларга қараганда, тугалланмайдиган жараён – шунингдек, боланинг ривожланиши давомида доимо янгиланиб турадиган манзара. Бир лаҳзада амалга ошириладиган кадр эмас. Балки маълум бир вақт мобайнида давом этадиган жараён.

- тўлиқ ва ривожланувчи – режани таъминлаш ва шакллантириш учун маълумотларни етарли даражада тақдим этади.

- истиқболли – ишончли манбаларни сони имкон қадар кўпроқ олиш мумкин бўлган мавжуд маълумотларни кўриш. Баҳолаш эҳтиёжларини аниқлаш ёки кучли томонларни белгилашга асосланган бўлиши мумкин.

- ишончлилик - инсоннинг ривожланиши билан боғлиқ қонунларни тушунишга асосланган мавжуд тадқиқотлардаги асосли билимларга таяниш.

***Фундаментал тамойиллар:<sup>1</sup>***

Самарали баҳолаш мақсадидаги жалб этиш қондасига асосланган баъзи асосий тамойиллар қўйидагилар;

- ривожлантириш мумкин бўлган потенциалга эга.

- уларнинг эҳтиёжини қондириш ва кучли томонларни аниқлаш учун қўллаб-қувватлаш ҳуқуқига эга.

- сир сақлаш ҳуқуқи.

- эркин баҳолашдан ҳоли бўлган муносабат ва беғаразлик ҳуқуқи.

Дастлабки жалб этиш қўйидагилар асосида амалга оширилиши шарт:

- аниқ мақсад ва йўналишга эга бўлиш.

- оила ва унинг аъзоларини фаол жалб этадиган икки томонлама жараён бўлиш.

- ҳалоллик, объективлик ва ишончга асосланиш.

- баҳолаш истиқболига мос келиши.

Қўйидаги шартларга риоя қилиш зарур:

- оила аъзолари ўзларини эркин ва қулай ҳис қилишлари учун ўзларига ишонишлари зарур.

- мулоқотни самарали ўрнатиш.

- жалб этишдан мақсадни тушуниб, инсоннинг ўзига бўлган ишончини ошириш.

- амалиётчи ролининг мавжудлиги учун ўзига нисбатан ишониш.

- жалб этиш мақсадининг бир-бирига мос келиши.

- оила аъзоларининг айнан ҳамкорликда айнан нимани хоҳлаётганликларини аниқлаш.

- сир сақлашлик чегараси ва шароитини муҳокама этиш.

- мақбул иш қондасини ўрганиш.

---

<sup>1</sup>Болалар ва оилалар билан ижтимоий иш. – Тошкент: Фан ва технологиялар, 2013. – 4.б.

- дастлабки босқичда қўзғатувчи\ синаб кўриш учун саволларни бермаслик.

Агарда оилада мижоз билан боғлиқ муаммолар мавжуд муаммолар бўладиган бўлса, асосий эътибор табиийки мижозга қаратилади. Бунда, мижоз баҳолашнинг барча босқичларида диққат марказида бўлиши ва ҳар қандай воқеа ёки ҳулоса мижознинг истиқболини назарда тутиши шарт ҳисобланади. Баҳолаш тўғридан-тўғри мижозга йўналтирилганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилади. Вазиятни тушунган ҳолда мижозга қандай таъсир этишни тушуниш у ёки бу вазиятларда турли ёшдаги мижозларни хоҳиши ва туйғуларини аниқловчи ёш даврига мос усулларни ишлаб чиқиш керак бўлади. Баҳолашнинг ўтказилишидан яна бир мақсад мижоз хавфсизлигини таъминлаш ҳисобланади.

Мижоз билан ишлашда болаликдаги ривожланишни тўғри тушуниш жуда муҳим аҳамиятга эга. Мижозларда турли ёшдаги қондирилиши зарур эҳтиёжлар мураккаблашиб ва турли-туман бўлиб иштирок этади. Ҳар бир мижознинг ривожланиши унинг ҳаёт тажрибаси ва бир қатор омилларнинг ўзаро таъсири натижасида ривожланади. Мижознинг индивидуал ривожланиши, жумладан, темперамент ёки соғлиқ, шунингдек, ногиронлик омилларидан бири ҳисобланади. Бошқалари мижоз яшаётган жисмоний ва эмоционал ҳолат билан бўлиши мумкин. Ижтимоий иш бўйича агентликларга ёрдам олиш учун йўналтирилаётган болалар турли сабаблар бўйича юқори даражадаги потенциалларга эришиш имкониятлари у ёки бу чегаралари бўлиши мумкин. Шундай қилиб ижтимоий иш ходими бола ривожланишининг ҳар бир босқичида қандай белгилар ва кетма-кетликлар борлигини аниқ билишлари зарур.

Мижозни тушуниш у ўсиб улғаяётган маданият ва жамият нуқтаи назаридан содир бўлиши керак. Шу жиҳатдан вазиятни баҳолаш учта асосий соҳа асосида олиб борилади.

- мижоз эҳтиёжлари;

- мижозни ўраб турган муҳит омиллари.

Баҳолаш жараёнида мижоз билан нима содир бўлаётганини аниқлаш учун унинг яқин қариндошлари билан ўрнатилган ҳамкорлик муносабати ҳурматга лойиқ бўлиши ва барча маълумотлар оидин бўлиши зарур. Ижтимоий иш ходимининг очик ва ҳалол бўлиши уларга ҳаётдаги вазият, мижоз ва ўзи ҳақида зарур ҳамда муҳим маълумотларни олишда имконият яратади. Оила аъзолари билан ҳамкорликда ишлаш мақсад ҳисобланмайди. Аксинча, бундай ҳамкорликнинг мақсади мижознинг келгусидаги фаровонлигини таъминлашга қаратилади. Мижоз ҳар қандай ўзаро муносабатнинг диққат марказида бўлиши керак.

Агарда ижтимоий иш ходими мижоз фикрини диққат билан тингласа ва ҳалол ва очик ҳолда ишласа, бу мижоз томонидан қадрланади ва ишнинг самарадорлигини таъминланишига хизмат қилади. Буларнинг таъсири мижозда турлича бўлиши мумкин. Бунда ҳеч нарсани тахмин қилиш мумкин эмас, фақат оила билан ҳамкорликда ўлчаб кўрилади ва муҳокама этиладиган фактларга асосланади. Мижознинг кучли томонлари билан ишлаш ва қийинчиликларни ҳал этиш бўйича режанинг асосий қисми ҳисобланади.

Ижтимоий ишчилар томонидан баҳолашни ўтказиш жараёнида инсонлар эга бўлган маълумотлар ишда муҳим компонент ҳисобланади. Бундан ташқари, кўпроқ ташвишли муносабатдаги мижоз юқорида айтиб ўтилган ташкилотлар томонидан тўлиқ баҳолашларни сўраши мумкин.

Баҳолашни ўтказиш билан бир қаторда ҳаракат режаси тузилади ва хизмат кўрсатилади<sup>1</sup>. Чунки, баҳолаш мижоз эҳтиёжлари хусусиятларини тушунишга олиб келувчи алоҳида жараён сифатида ва кўп ҳолларда турли фаолиятларни қўшилиши, аралашув режасини ишлаб чиқилишида таърифланади. Оила аъзоларининг фаол иштирок этиши баҳолашни ўтказишни тушуниш ва ўзгартириш жараёнига ташаббус кўрсатиши мумкин.

---

<sup>1</sup> Хрестоматия для проведения курса «Практика социальной работы с детьми и семьями». – Ташкент: РЦСАД, 2008. – 62 с.

Ижтимоий иш ходими маълумотларни йиғиш жараёнида оила аъзоларини эшитиш ва уларга саволлар бериш орқали муаммо ва қийинчиликларни мавжудлигини тасдиқлаш, шунингдек, маълумотлар ва маслаҳатларни тақдим этиши мумкин. Баҳолаш жараёни ўз ўзидан терапия бўлиши шарт.

***Баҳолаш жараёни аниқ далилларга асосланиши шарт: бунда ижтимоий иш ходимлари қуйидагиларни амалга оширишлари зарур:***

- баҳолаш жараёнини яхшилаш, ҳаракат режасини тузиш, амалий маълумотлар ҳамда тадқиқотда олинган натижаларни тушуниш;

- маълумотлар манбаини аниқ белгилаш, уларни тизимли тарзда янгилаш, ёзиб бориш, тўплаш, масалан, оила аъзолари билан интервью ёки бошқа ташкилотлар ҳисоботи. Тўғри кузатиш;

- миждоз ва унинг оиласи олаётган хизматлар ҳақида маълумотлар тўплаш;

- ўз фаолияти жараёни ва натижаси ҳақидаги маълумотларни жиддий баҳолаш, ўз касбий сифатларини ривожлантириш.

Ушбулар аниқ далилларга асосланганлиги ва назарияга асосланган амалиётнинг ҳамкорлиги, муҳокамага ўрин қолмайдиган миждоз билан ижтимоий иш жараёнини самарали асоси ҳисобланади.

“Умумий баҳолаш доираси” деб аталувчи хужжат миждознинг умумий баҳолаш кўламини қисмларигача кўрсатиб беради. Агар ижтимоий ишчи томонидан олиб борилган баҳолаш миждоз учун жиддий оқибатларни келтириб чиқарса, ижтимоий ишчининг шахсий фикрларидан мустақил ҳолда умумий баҳолаш ўтказиш талаб қилиш ҳуқуқига эгадир ва бу баҳолаш миждознинг кучли ва кучсиз томонларини аниқ кўрсатиб беради.

“Умумий баҳолаш доираси” ижтимоий ишчиларга барча умумий баҳолашни керак бўлган объектлар ҳақида умумий кўрсатма беради. Бунга оила аъзоларининг миждозга ғамхўрлиги, уларнинг ижтимоий ҳолати, булардан ташқари оиланинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи ташқи ва ўраб турган омиллар ҳам киради.

## **2.2. Вазият билан якка тартибда ишлаш амалиётининг эмпирик таҳлили**

Мустақилликка эришилгач қисқа муддат давомида Ўзбекистонда янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда мухтож фуқаролар зарурий ёрдам ва муҳофазага эга бўлувчи янги муассасаларнинг бутун бир тизимини яратишга муваффақ бўлинди. Қариялар, болалар, ногиронларга ғамхўрлик қилишда Меҳнат Вазирлиги, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, ИИБ муассасалари жалб этилди. Бу каби муассасалар қаторига аҳолининг турли қатламлари билан ижтимоий иш олиб бориш, психологик-педагогик ёрдам, ижтимоий-қайта тикланиш, оила ва болаларга ҳудудий ижтимоий ёрдам кўрсатиш марказлари ва бошқалар киради. Ҳозирда эса Ижтимоий ишнинг давлат ижтимоий сиёсати барча босқичларининг ажралмас қисми сифатидаги амалиётини таъминлаш борасида тегишли ишлар олиб борилмоқда. Бу институтни жорий этиш учун тегишли шарт-шароитлар, яъни, кучли ижтимоий сиёсат, маҳаллий ҳокимият органлари ҳамкорлиги, турли жамоатчилик ташкилотларининг фаолияти мавжуд.

Ижтимоий ишнинг микро даражаси баъзида «клиник амалиёт» атамаси билан номланади. Бу даражада амалий ходим ва миждознинг тўғридан-тўғри муносабатлари назарда тутилади.

Мезо амалиёт даражасида миждоз ўзига ўзи ёрдам кўрсатиш ёки терапия гуруҳи аъзоси бўлиши мумкин. Бунда ходим ва миждознинг ўзаро алоқалари ўртасида маълум масофа сақланади. Мезо амалиётнинг эътибори миждоз ўзаро алоқада бўладиган, турли тизимларни модификациялаштиришга қаратилган.

Макро даражада ишлайдиган ижтимоий иш ходимлари ташкилотлар фаолияти, ижтимоий тадбирлар, хизматларни бошқариш, дастурлар самарадорлигини баҳолаш, яъни, одатда миждозлар билан тўғридан-тўғри

алоқани назарда тутмайдиган бошқа фаолият турларига жалб этилганлар<sup>1</sup>. Ижтимоий сиёсат муаммолари ҳам ушбу даражада ўрганиш предмети ҳисобланади. Бу даражада ижтимоий иш ходимлари ўз кучларини юридик ҳимоялаш ёки режалаштириш масалаларига қаратишлари мумкин бўлади. Баъзан макро даражада ишлаш Ижтимоий ишнинг тўғридан-тўғри бўлмаган амалиёти ҳисобланади, чунки, бу ерда мижоз билан тўғридан-тўғри алоқа йўқ. Бироқ кўпинча бевосита ва билвосита амалиёт ўртасида бир оз боғланганлик ва мосликларни кузатиш мумкин.

Бу тизимнинг энг муҳими одатда мижоз ва унинг яқин қариндошлари бўлади. Бу яна шуни кўрсатадики, оила инсонни доимо унинг яқин муҳити билан кўриб чиқувчи ижтимоий иш қизиқишларининг анъанавий доирасида туради. Оила билан ишлаш на оила ва унинг аъзолари, на оилавий турмуш тарзига таъсир кўрсатувчи анча кенг муҳити билан чекланмайди. У нафақат оддий одамлар учун, балки оила мансуб бўлган ҳийла йирик ижтимоий куч ва тизимлар учун ҳам аҳамиятли бўлган одам, оила ва яқинларнинг ўзаро муносабати бирмунча муҳим эканлиги кўза тутилади. Оила муаммолари билан шуғулланиш ижтимоий иш ходимларининг биринчи навбатдаги вазифасидир.

**КЕЙС<sup>1</sup>:** Қуйидаги муаммоли вазият муҳокама учун таклиф этилади. Биз бунда ижтимоий ишнинг индивидуал ишлаш даражаси амалиётини кўриб ўтишимиз мумкин:

**Муаммоли вазият:** Маҳалла фуқаролари йиғинига Дилбар ариза билан мурожаат қилди. Унинг қизи Комила 13.03.2008 йилда Даун синдроми билан туғилган. Дилбар олий маълумотли, ёлғиз қизи билан бирга турганлиги сабабли ишлай олмайди. Она боланинг отаси билан қонуний никоҳдан

---

<sup>1</sup> Таджиева С.Х., Мажидова Д.А. Кам таъминланган кўп фарзандли оилалар билан ижтимоий иш: тажриба ва амалиёт. – Тошкент: Фан ва технология, 2014. – 10 б.

<sup>1</sup> Мазкур кейс – вазият таҳлили ҳаётий воқеа асосида тайёрланган бўлиб, ушбу воқеанинг асосий иштирокчилари конфеденциаллик тамойилига кўра исми шарифи, яшаш манзили, ёши каби кўрсаткичлар ўзгартирилган ҳолда тайёрланди.

ўтмаган. Отаси қурилиш объектларида ишлаганлиги учун уйга камдан-кам келади. Моддий томондан ҳам ёрдам беришга қийналади. Она боланинг ногиронлик нафақасига кун кўради.

Онанинг аризада кўрсатилган мурожаатига кўра ҳозирда Я. тумани, С. кўча, №-уй, №-хонадонда оилавий ётоқхонада истиқомат қилади. Бугунги кунда бу оиланинг асосий муаммоларидан бири ётоқхонадаги яшаш шароитининг оғирлигидир. Чунки бола ногиронликка эга бўлгани учун она кизини уйга қамаб қўйишга мажбур. Бу вазиятда бола ўзини деворга, полга уриб хархаша қилишни бошлайди. Болани бирга олиб чиқишнинг имкони йўқ. Ётоқхонада эса ётоқдан ташқари фойдаланиш керак бўлган хоналар умумийдир. Бу хоналарга чиқиш керак бўлганда қизи қўни-қўшнилари уйга кириб кетади. Бу пайтда қўшнилари она ва болага қўпол муомала қилишни бошлашади. Бола нима қилиб турганлигини билмайди оқибатда “бир дона болангни эплолмайсан” деб яна онани айблашади.

Ушбу вазият тўғрисидаги мурожаат маҳалла фуқаролари йиғинлари фаоллари томонидан келиб тушган.

**Мазкур вазият муаммолари бўйича мурожаатлар классификацияси:** Ишга жойлашишдаги муаммолар, психологик, маълумотсизлик, тиббий-ижтимоий, ижтимоий-иқтисодий.

**Вазият билан ишлаш тартиби:**

Вазият ҳақида маълумот (муаммо ҳақидаги маълумотнинг берилиши), баҳолаш, аралашувнинг илк режасини ишлаб чиқиши, унинг амалга оширилиши, вазиятнинг ёпилиши, профилактика ва мониторинг кейс менежментнинг асосий элементлари ҳисобланади. Вазият билан ишлаш миқдор билан биринчи марта алоқага киришганда ёки муаммо ҳақида маълумот олиниши билан бошланади.

Ушбу вазиятда ижтимоий иш ходими қуйидаги кетма-кетликдаги вазифаларни амалга ошириши шарт:

1) *Дастлабки баҳолаш. Она ва бола ҳаётий шароитларини текшириши далолатномаси.* Кейс менежментнинг муҳим элементи бўлиб, ёрдам кўрсатиш режасини ишлаб чиқиш ва самарали равишда амалга оширишни белгилайди. Баҳолаш мижознинг эҳтиёжларини тушунишга, унинг кизиқишлари ва имкониятларига, муаммо ва вазифаларни белгилаш, унинг ечимини топиш учун мавжуд ресурсларни қидириш, тахминий фаразларни ишлаб чиқиш, муаммо билан шуғулланадиган ташкилот ва муассасалар рўйхатини тузиш, команданинг тузилмасини белгилаш ва мувофиқлаштиришга йўналтирилгандир.

2) *Ҳаракатлар индивидуал режасини тузиши* муаммони ҳал этишда стратегик ва аниқ ҳаракатларни муқобил шакллари билан мавжуд ресурсларга мос келадиган ҳолда ишлаб чиқишни назарда тутди.

Ҳаракат режасини амалга ошириш ўз таркибига мўлжалланган режани амалга ошириш ва бу жараёнда лозим бўлса уни тузатишни, унинг бажарилишига ташҳис қўйишни, ижтимоий ишчи ва мижознинг атроф-муҳит билан ўзаро алоқаси кенгайишини, олдинга қўйилган мақсад асосида зарурий ташқи ресурслар ҳамда мижознинг кучли томонларини қидиришни киритади.

3) *Мониторинг ва баҳолаш* амалга оширилган ишлар натижаларини мустаҳкамлаш, аралашув натижаларини мижознинг кундалик ҳаётига кўчириш, вақт ичида иш самарасини кузатишни назарда тутди. Лозим бўлганда мониторинг вазиятнинг оғирлашувини аниқлайди ва ишни қайтадан бошлашни баҳолаши мумкин.

4) *Вазиятни ёпиши ёки ишни тугатиши* – бу режалаштирилган ва режалаштирилмаган натижаларга эришиш даражаси, шунингдек, команда ишини баҳолашни ифода этади.

Дилбарнинг муаммосини ўрганиш ва уни баргараф этиш мақсадидаги биринчи қадам у билан юзма-юз учрашув ва суҳбат ўтказишдир. Бунинг учун

Ижтимоий хизматчи у яшаётган ётоқхонага бормасдан туриб оиладаги муаммоларнинг ўрганиб чиқиши керак. Бунинг учун;

- Дилбарнинг эрини унга ва фарзандига муносабати;
- Дилбарнинг қўшнилари билан муносабати;
- Дилбарнинг қизига қўшнилари билан муносабати;
- Дилбарнинг ўз яқин қариндошлари билан муносабати;
- Дилбарнинг муаммоларига мутасадди ташкилотларнинг муносабати.

Ушбу вазиятда эрнинг эътиборсизлиги, Дилбарнинг ёлғиз ўзи ногрион фарзанди билан муаммолар гирдобидида қолганлиги, фарзандининг касллиги боис, олий маълумотли бўлса-да иш топиб ишлай олмаётганлиги, кўни-кўшнилари билан уларга бўлган салбий муносабатидан азият чекаётганлиги асосий муаммолар қаторида туради. Айниқса қизи Камоланинг рухий ва жисмоний ривожланишда кучли орқада қолаётганлиги боис, уни етарлича ижтимоийлашмаётганлиги ҳеч кимни қизиқтирмайди. Унга зарурий доир-дармонлар ва тегишли муолажаларни мунтазам олиб бориш учун Дилбарда маблағ етишмаслиги эса муаммони янада чигаллаштиради. Шу боис, унинг қизи ўз холига ташлаб қўйилган. Ижтимоий иш ходими ушбу вазиятни тўғри баҳолаган ҳолда Дилбар билан учрашув вақтида асосий эътиборни Дилбарнинг фарзандига тегши тиббий ёрдам кўрсатиш ва уни ўзини эса ишга жойлаштириш ҳамда уларнинг яшаш шароитини яхшилаш, имкон қадар алоҳида уй билан таъминлаш масалаларини алоҳида кўриб чиқиши керак. Дилбардаги умидсизлик, ҳаётга қизиқишни сўниши каби салбий ҳолатлардан чиқишига кўмаклашишни ташкил қилиш ва бунда унинг яқин қариндошларини жалб қилиш орқали уни юзага келган муаммолар гирдобидан чиқаришга ҳаракат қилишдир. Шунингдек, ижтимоий хизматчи олдида қизининг соғлигини ўрганган ҳолда бунинг келиб чиқиш сабаларини ўрганишдан ибортдир.

Дилбар билан биринчи *учрашувни ташкил қилишда қуйидаги босқичларни* кетма-кет амалга ошириш фойдали:

**Биринчидан**, иложи борича нафақат Дилбарни ўзи балки уни эрини учрашувга таклиф этиш.

**Иккинчидан**, агар унинг эри учрашувга келишдан бош тортса, у буни қандай қилиб айтганлигига эътибор бериш (шунинг ўзида ҳам оиладаги ички муаммолар, эр-хотин орасидаги эҳтимолий муаммоларга тегишли маълумотларни олиш мумкин).

**Учинчидан**, учрашувда имкон қадар ижобий муҳитни яратган ҳолда Дилбар ва унинг эрини суҳбатда фаол иштирок этишга ҳаракат қилиш. Бунда асосий эътиборни эрнинг Дилбар ва фарзандига нима сабабдан ерталича эътибор бермаслигига қаратиш<sup>1</sup>.

**Тўртинчидан**, биринчи учрашувни ташкил этишда ижтимоий хизматчи учрашув учун қулай муҳитни яратиш, яъни, хонадаги шароитни ташкиллаштириш, миждозни кутиб олиши, исми-шарифини айтиб, вазиятдан келиб чиқиб қўлини сиқиб қўйиши, миждоз ўзини яхши ҳис қилиши учун имконият яратиши, биринчи учрашувда иложи борича ёзувларни олиб бормаслиги, миждоз қаерда жойлашган бўлса, шу ҳолатда суҳбатни бошлаши керак.

**Бешинчидан**, Дилбар билан учрашув чоғида Ижтимоий иш ходими у билан учрашувдан нимларни кутаётганлиги, Дилбарнинг хавотирлари, қайси ташкилотлар Дилбар ва унинг фарзандига ёрдам бериши мумкинлиги ҳақида аввалдан маълумотга эга бўлиш керак. Нима? Қаерда? Қандай қилиб? Саволлари билан мурожат қилиш орқали вазиятга аниқлик киритиб олиш керак бўлади.

**Олтинчидан**, муҳокама вақтида эса Дилбарнинг муаммоларидан кимлар воқиф бўлиши кераклигини олдиндан келишиб олиб, уни ёзма тарзда тасдиқлатиб олиш керак. Дилбарнинг ўз яқин қариндошлари нима учун

---

<sup>1</sup> Л.Ким. Бирламчи интервьюни олиб бориш. // Ижтимоий иш бўйича қайта тайёрлов курси тарқатма материаллари. –Тошкент: 2007. - 4 б.

унинг муаммоларига лоқайд эканлигининг сабаблари алоҳид аниқланиши шарт.

**Еттинчидан,** Дилбарга «ҳаёт йўли» ҳақида қанча кўп истаса шунча гапириб бериш имконини бериш керак. Қоғоз ва қалам олиб ўз ҳаёти, унинг асосий босқичлари, воқеа ва ҳодисларни чизиб беришни сўраш керак. Дилбарни ҳаётига кўпроқ таъсир этган 3 вазиятни белгилаб беришини сўраш мақсадга мувофиқ. Агарда Дилбар маълумотлар билан улашишни истамаса ундан масалан, бугун 9-12 гача нима билан шуғулланганлигини аниқлаб олишга ҳаракат қилиш керак. Ёки бўлмаса Сизни суҳбатда иштирок этишга нима ундади? Сизга қандай ёрдам беришим мумкин? саволлари билан унга мурожаатдан бошлаш керак. Ва бу ҳақда оиланинг ҳам бир аъзосининг фикрини алоҳида сўраш оила аъзоларининг муаммони нимада кўраётганлигини англаш, уни қандай тасвирлаётганлиги, нимани ҳис этаётганлигини англаб олиш имконини беради. Сўнг Дилбар ва унинг эрига бир-бири билан мавжуд вазият борасида юзма-юз гапириб олиш имконини бериш керак. Худди шундай вақти эр ва хотин бир-бирига аслида қандай муносабатда эканлигининг аниқ манзараси ҳосил бўлади. Бунда ким гапираяптию ким тинглапти, ёки умуман улар бир-бирини гапирини Айниўса қайноа-қайнотанинг бошқалар гапирини охиригача эшитаяптими йўқми? Ёки гапни кўпроқ ким бўлаяпти каби масалаларни диққатдан четда қолдримаслик керак.

**Саккизинчидан,** оила билан суҳбат давомида эр ва хотиннинг биридан узоқлашганлик даражаси, уларнинг муносабатлари очиқми ёки ёпиқлиги, бир-бирига бағрикенглиги алоҳида ўрганилиши керак. Биринчи учрашув якунида эса мавжуд муаммони шундай қайта тавсифлаш керакки, улар Дилбар ёки унинг эрини шахсиятига тегмаслиги керак, ўзининг ҳатти-ҳаракатлари бошқаларга қанчалик салбий таъсир кўрсатаётганлигини англаб олиши керак. Дилбар ёлғиз дуч келаётган муаммолар битта унинг эмас барчанинг муаммоси эканлигини англашларига кўмаклашиш керак.

**Тўққизинчидан**, биринчи суҳбат ижтимоий хизматчига, авваломбор ички муаммолар билан тўлиб-тошган, боши берк кўчага кириб қолган мижознинг асл вазиятини аниқлаб олишга кўмаклашади. Бу вазият аниқлаб олингандан сўнг якка тартибдаги ишнинг **ҳаракат дастури, режалар** тузилиб Дилбар ва унинг фарзандига бевосита амалий ёрдам кўрсатиш имконияти туғилади.

Хуллас, ушбу вазиятда Дилбар ва унинг қизига бевосита **амалий ёрдам бериш** мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш мумкин.

Ушбу вазият билан ишлашда қуйидаги йўриқлар бошланғич ва асосий баҳога бирдай қўлланилади:

Баҳолаш ўтказилишида ижтимоий иш ходими имкон қадар **қуйидаги шахслар фикрини ўрганиши** шарт:

- Ота-онанинг ҳар бири.
- Дилбар ҳаётида муҳим бўлган ёши катта кишилар.
- Мактаб/тарбиячилар.
- Врач.
- Ҳамшира.
- Маҳалла фуқаролари йиғинлари фаоллари.
- Профилактика инспекторлари.
- Дилбар ва унинг оиласи билан таниш бўлган бошқа мутахассислар.

Маслаҳат оладиган ва хизматлардан фойдаланадиган ҳар бир шахс баҳолаш нусхаси тақдим этилиши орқали ижтимоий иш амалиёти билан таништирилади. Улардан ўз фикрларини ёзиб бериш сўралиши ёки рухсат берилса ижтимоий иш ходими томонидан фикрлар ёзиб борилиши мумкин. Агарда мижоз фикрни билдиришни истамаса унинг сабаблари кўрсатилган ҳолда ижтимоий иш ходими томонидан қайд этилиши шарт.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, аниқ ишланган индивидуал иш режаси, мижоз вазиятини баҳолашни ёзиш бўйича қайдларни юритиш, қабул

килинган ҳаракатларни рўйхатдан ўтказиш, фаолиятни хулосалаш муҳим аҳамият касб этади. Индивидуал иш режаси қисқа ва аниқлиги шуни кўрсатадики, Дилбар ва унинг фарзандига бўлган муносабат учун қарор нима сабабдан қабул қилинганлигини тушунтиради ва ушбу оила истиқболнинг барча аспекти кўриб чиқилади. Дилбар ва унинг қизи учун келгусидаги режалаштирилган ишлар деталлаштирилади. Хулосаси доимий муҳокама этилади ва тўпланган маълумотлар янгиланиб турилади. Баҳо якунланиши билан оиллага ёрдам кўрсатиш борасида кейинги ҳатти ҳаракатларни режалаштириш қўйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

***Дилбар ва унинг фарзандига қўйидаги хизмат турлари тақдим этилиши шарт?***

**Кўрсатилган хизмат турлари:**

1. Болани махсус болалар боғчасига жойлаштириш бўйича ҳуқуқшунос мутахассис томонидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими Вазирлигига хат жўнатилади.

1. Дилбар билан интервью олиб борилди. Интервью жараёнида қийин ҳаётий вазиятда қолган она ҳаётдан тўйиб кетганлиги аниқланди.

2. Дилбар психолог маслаҳати учун Республика Болалар Ижтимоий Мослашув Маркази Ахборот Кнсультатив Хизматга ҳамда унинг таркибидаги “Ота-оналар” клубига йўналтирилди.

3. Дилбар 24.12.2017 йилдаги №-сонли аризаси юзасидан ўзи яшаб турган тумани Меҳнат ва бандликка кўмаклашиш бошқармасига хат билан мурожаат этилди.

4. Дилбарга “Эрта ташҳис ва аралашув” номли мутахассислар ва ота-оналар учун қўлланма берилди.

5. “Ижтимоий иш” бўлимига имкон қадар яшаш жойини ўзгартиришга ёрдам беришни сўраб мурожаат қилган фуқаро Дилбарнинг аризаси юзасидан янги қурилаётган имтиёзли кредит асосида берилаётган

уйлардан бирламчи тўловини туман ҳокимияти тўлаб бериши ва уй ажратилиши сўралган хат ҳокимиятга жўнатилди.

6. Дилбарнинг яшаш жойига ижтимоий ишчилар мурожаати юзасидан вазиятни аниқлаш учун борилди. Шу кунга тумани ҳокимияти хотин-қизлар ишлари бўйича ҳоким ўринбосари ҳам чақиртирилди.

7. Дилбар ва унинг қизини ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги шаҳар ҳокимиятига ёзилган хатга туман ҳокимияти, Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Меҳнат бошқармаси ва Халқ таълими бошқармаларига ҳокимият томонидан хат жўнатилганлиги аниқланди.

8. Туман ҳокимиятидан жавоб хати келди унда Дилбарнинг турмуш тарзини яхшилаш ҳамда тегишли маслаҳатлар ва тумани ҳокимлиги имтиёли кредит асосида 2-хонали уй ажратилаётганлиги ва унинг биринчи бадали тўлаб берилиши кўрсатилган.

Тайинланган ижтимоий иш ходими бу режани мувофиқлаштириши, кўйилган вазифалардан келиб чиқиб мониторингни амалга ошириш ва ушбу режани амалиётига жалб этилган барча иштирокчилар билан алоқани таъминлаш учун масъулдир. Ижтимоий иш ходими ушбу учрашувда муҳокама этилиши учун қуйидаги мезонларга таяниб ҳисобот тайёрлайди.

1. Баҳолаш ўтказилган ёки охириги шарҳдан сўнг содир бўлган ҳар қандай муҳим ўзгаришлар.

2. Режа мақсадига қай даражада эришилди.

3. Тақдим этилаётган хизматларни давом этиш шартми.

4. Оила заифлигича қолмоқдами.

5. Кейинги хатти ҳаракатларга эҳтиёж борми.

Агарда хизматларни тақдим этиш давом этса ушбу учрашувда Дилбарнинг қизи учун оила билан муҳокама этилган янги режа қабул қилинади ва у қайд этилади.

*Дилбар билан якка тартибда ишлаш амалиётининг ёпилиши* – Дилбар билан якка тартибда ишлаш учун бириктирилган ижтимоий иш

ходими супервизор (раҳбари) ишни ёпиш учун рухсат бериши шарт ва шу асосда ишни ёпиш Процедураси қўлланилади.

Ҳужжатлар тўпламида қайдларни юритиш – бу ишнинг муҳим қисми бўлиб, мижозларга тақдим этилади ва бажарилган ишлар ҳисоботи учун ишлатилади. Қайдларни яхши юритиш қуйидагиларга ёрдам беради:

- Ишни тўғри ташкил қилиш.
- Мижоз билан самарали ҳамкорликни таъминлаш.
- Асосий маълумотни сақлаб туриш.

***Мижоз билан иш қайдларини юритиш*** ҳужжатлари тўплами яхлит бўлиши ва қуйидагилардан ташкил топиши шарт<sup>1</sup>:

1. мижоз билан барча алоқалар қайдлари, телефон қўнғироқлари, хатлар, ташрифлар, амалга ошмаган ташрифлар.

2. бошқа мутахассислар билан барча алоқалар

3. берилган йўлланмалар, учрашувлар, ёзишувлар – манзиллари билан

4. батафсил қайдлар. Шу тариқа битта жойда яхлит ҳужжат ҳосил бўлади.

Хуллас, мижоз ва унинг атроф-муҳити билан яхлит тизим сифатида ишлаш, мазкур мижознинг яқин қариндошлари ва эри билан муносабатлар тизими иерархиясига эътибор қаратиш ва баҳолаш, қарор қабул қилиш жараёни қондаси, назорат ва мулоқатнинг мос шаклини танлаш жиддий аҳамият касб этади.

---

<sup>1</sup> Таджиева С.Х., Мелкумян Э., Хакимова О. Oilалар ва болалар билан ижтимоий иш амалиёти: психологик ва педагогик модулар. – Тошкент: NISO-Poligraf, 2014. – 56 б.

## **2.3. Талабаларда мижоз билан индивидуал ишлаш кўникмаларининг экспериментал ўрганилиши**

Ижтимоий иш таълим ва касб соҳаси сифатида республикамизда сўнгги 10 йилликда ривожланиб бормоқда. Жаҳон тарихида икки асрдан ортиқ тарихга эга ушбу соҳа табиийки мамлакатимизда эндигина ривожланиб келаётган янги соҳалардан бири ҳисобланади. Шундай бўлса-да ижтимоий ишнинг касб фаолият, илм-фан соҳаси сифатида ривожланишида республикамизда ўзига хос ютуқларга эришилди.

Бу ижтимоий ишнинг таълим йўналиши сифатида республикамиз ОТМларида профессионал мутахассис кадрларни тайёрлаб етказиб бериш ишларини йўлга қўйилганлиги билан боғлиқдир. Демак, мамлакатимизда ижтимоий иш амалиётини юритишда касбий тайёргарликдан ўтган мутахассислар фаолияти йўлга қўйилган. Ушбу ОТМларида ижтимоий ишнинг назарий методологик асослари, тарихий ривожланиши ва ихтисослик йўналишлари бўйича фанларни ўқитиш йўлга қўлган. Ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб, ижтимоий иш амалиётининг асосида ётувчи технологияларни билиш даражасини аниқлашга йўналтирилган социологик сўровнома ишлаб чиқиб, тадқиқотларимизни ўтказдик<sup>1</sup>.

Албатта, ижтимоий иш республикамизда янги ривожланиб келаётган соҳалардан биридир. Шу боис ижтимоий иш олиб бориш методлари, хусусан, технологиялари кўпчилик мутлақо маълумотга эга бўлмаган соҳа ҳисобланади. Шу боис, биз тадқиқотларимизни ижтимоий ишнинг асосий назарий-методологик ва амалий жиҳатлари борасида профессионал билимга эга бўлган талабалар ичида ўтказишга қарор қилдик. Ижтимоий иш таълим йўналиши 3-4 курс талабалари иштирокида ўтказилган анкетали сўровнома

---

<sup>1</sup> Тадқиқот анкетали сўров усули асосида Ўзбекистон Миллий Университети Ижтимоий иш йўналиши 3-4 курс талабалари орасида экспресс сўров ўтказилди. Тадқиқотда жами 20 талаба иштирок этди. Шундан, кизлар 11 (62%), йигитлар 9 та (38%) ни ташкил қилди.


иштирокчиларининг ёш ва жинс бўйича кўрсаткичлари бўйича тақсимотини қуйидаги жадвалдан кўриб ўтишимиз мумкин.

**1-жадвал.** Тадқиқот иштирокчиларининг ёш бўйича тақсимоти.

	Ёши	Фоизда	Сонда	Жинси	Фоизда	Сонда
1.	18-22	65	13	йигитлар	38	9
2.	23-27	35	7	қизлар	62	11
3.		100	20		100	20

Демак, ижтимоий-демгорафик кўрсаткичлардан асосийси сифатида респондентларнинг ёши ва жинси танланди. Бунда асосан, қизлар кўпчиликини (62%) ни ташкил этиб, бу албатта мазкур йўналиш талабалари орасида қизларнинг салмоғи баландлиги билан изоҳланади. Тадқиқот давомида респондентларга дастлабки саволимиз қуйидагича бўлди:

**1-гистограмма.** Ижтимоий иш ходими сифатида бўлажак амалий фаолиятга тайёргарлигингизни қандай баҳолайсиз?



Демак, юқорида таклиф этилган гистограмма кўрсаткичларидан маълумки, 38% иштирокчилар ижтимоий иш ва унинг профессионал асослари, мутахассис сифатида ўзларининг асосий вазифалари, соҳанинг мақсади ҳақидаги билимларини “кониқарли” деб баҳолаган бўлсалар,

аксарият кўпчилик яъни 46% талабалар бу борадаги билимлари етарлича эканлиги ва касбий фаолиятга тайёрлигини билдирганлар.

Атига 2% сўралганлар ижтимоий иш аҳоли орасида етарлича оммалашган соҳалардан бири эканлиги ва тўғридан-тўғри касбий фаолият билан шуғулланишга тайёр эмасликларини билдирганлар.

14% талабаларнинг фикрича ижтимоий иш йўналиши ўзлари танлаган соҳа бўлиб, унинг назарий ва амалий асосларини батафсил ўзлаштирганликлари ва касбий фаолиятга тўлиқ тайёр эканликларини билдирганлар.

Ушбу кўрсаткичлардан хулоса қиладиган бўлсак, *албатта ижтимоий иш ходимлари фаолияти мамлакат аҳолиси орасида кенг миқёсида оммалашмаган бўлса-да*, улар ўз касбий фаолиятининг асосларини етарлича ўзлаштирган ва амалий фаолиятга тайёрлигини билдирганлар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки ижтимоий иш амалиётининг бир неча даражалари мавжуд. Хусусан, микро даража баъзан мезо даража сифатида қабул қилинади. «Клиник амалиёт» атамаси микро амалиёт атамаси билан адаштирилади. Оилалар билан ишлаш мезо даража деб ҳисобланади. Микро амалиёт дейилганда амалиёт ходимининг миждоз билан юзма-юз ишлаш даражаси тушунилади<sup>5</sup>.

Мезо амалиёт даражаси унчалик долзарб ҳисобланмайди, чунки, миждоз ўзига ўзи ёрдам кўрсатиш гуруҳи ёки терапия гуруҳи аъзоси бўлиши мумкин ва бунда ижтимоий иш ходими ва миждознинг ўзаро алоқалари узоқлашади. Мезо амалиётнинг эътибори миждоз ўзаро алоқада бўладиган оила ва яқин атрофдагилар билан ўзаро алоқа тизимларини модификациялаштиришга қаратилган.

Макро даражада ишлайдиган ижтимоий иш ходимлари ташкилотлар фаолиятига, ижтимоий тадбирлар, хизматларни бошқариш, дастурлар

---

<sup>5</sup> Л.Э.Ким, Д.И.Исаева Болалар оилалар билан ижтимоий иш амалиёти: ўқув-услубий қўлланма. – Т.: “Jahon PRINT” 2012. 11 б.

самарадорлигини баҳолаш ва одатда мижозлар билан тўғридан-тўғри алоқани назарда тутмайдиган бошқа фаолият турларига жалб этилганлар.


Ижтимоий сиёсат муаммолари ҳам ушбу даражада ўрганиш предмети ҳисобланади, бу ерда ижтимоий иш ходимлари ўз кучларини юридик ҳимоялаш ёки режалаштириш масалаларига қаратишлари мумкин бўлади. Баъзан макро даражада ишлаш ижтимоий ишнинг тўғридан-тўғри бўлмаган амалиёти ҳисобланади, чунки бу ерда мижоз билан бевосита алоқа ўрнатилмайди. Бироқ кўпинча бевосита ва билвосита амалиёт ўртасида боғлиқлик ва мутаносибликни кузатиш мумкин.

Ижтимоий ишдаги мета амалиёт эса бевосита ижтимоий ишнинг назарий асослари билан боғлиқ бўлиб, ушбу соҳада илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ҳамда ОТМларида ўқув фани сифатида ўқитилишини назарда тутлади.

Ижтимоий ишнинг бирламчи вазифалари аввало оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган, муҳтож кишилар билан ишлаш бўлиб, бу амалиётнинг дастлабки босқичи индивидуал ишлаш яъни микро амалиётдан бошланади ва вазиятни баҳолаш ишлари олиб борилади.

Ижтимоий ишнинг микро даражаси ўз ўрнида мижоз билан яқкат тартибда ишлаш технологиясини қўллаш асосида амалга оширилади. Биз тадқиқотларимиз давомида ижтимоий иш амалиётида кенг қўлланиладиган технологияларга доир атамашуносликни талабалар фарқлаши даражасини аниқлашга ҳаракат қилдик ва талабаларга куйидаги савол билан мурожаат этдик.

## 2-гистограмма. Ижтимоий ишнинг микро амалиёти бу... ?



Мазкур гистограммада намоиш этилган рақамларга кўра, сўровнома иштирокчиларининг асосий кўпчилиги (39%) ижтимоий иш амалиётидаги микро даража бу миқоз билан юзма-юз тарзда якка тартибда ишлаш эканлигини тўғри белгилаганлар.


35% сўралганлар эса бу шифохона (ёки клиникалардаги) лардаги тиббий-ижтимоий иш амалиёти билан адаштирганлар.

16% эса микро ҳудудлар (масалан, маҳаллала) рдаги ижтимоий иш амалиёти деб янглиш фикрларни билдирганлар. 10% сўралганлар бу борада билимга эгамасликлари аниқланди.

Якка тартибда ишлаш ижтимоий иш амалиётининг кенг тарқалган технологияларидан бири бўлиб, миқоз муаммолари ечимини топишда “юзма-юз” ишлайди ва миқоз билан тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатилади.

Биз талабалар орасида якка тартибда ишлаш технологияси айнан қандай вазиятларда қўлланилиши ўринли эканлигини билиш даражасини аниқлашга ҳаракат қилдик ва қуйидаги натижаларга эга бўлдик.

**1-диаграмма.** Якка тартибда ишлаш технологияси қандай вазиятларда қўлланилади?



Демак, диаграммадан кўриб турганимиздек, сўровларимизда иштирок этган талабаларнинг 37% мижоз вазияти конфиденциалликни яъни мижоз шахсияти ва унинг бошига тушган оғир вазият муаммо очикчасига муҳокама этилиши мумкин бўлмаган ҳолатларда якка тартибда ишлаш технологияси қўлланилишини билдирганлар.

Демак, бу маънода 32% талабалар томонидан технологиянинг мақсадли қўлланилиши нотўғри англаган, яъни қаровчиси йўқ ёлғиз инсонлар билан ишлаш технологияси деб янглиш тушунилган.

15% сўралганлар эса ушбу технологияни хар қандай вазиятда қўллаш мумкин деб ҳисоблаганлар. *Демак, бўлажак ижтимоий иш ходимларининг учдан бир қисмигина якка тартибда ишлаш технологиясининг асосий мақсадини тўғри англаган бўлсалар. Қолган талабаларда бу борасида турлича янглиш тассуротлар ҳосил бўлган. Бу албатта, ижтимоий иш ходими сифатида шаклланаётган бугунги талабаларда келгуси фаолиятига жиддий ва масъулият билан ёндашишида айрим муаммолар борлигидан дарак беради.*


Якка тартибда ишлаш технологияси одатда мижознинг ўз муаммосининг асл мазмунини тўғри англаши ва уни тан олишигача давом этиши, сўнг эса мижознинг муаммосини енгиллаштиришда унинг психологик танг, тушкун ҳолатдан чиқаришда гуруҳли иш методика қўлланилиши айтиш муддао саналади. Бунда мижоз муаммосига ўхшаш вазиятдаги кишилар бир-бирлари билан муаммолари, вазияти ва ушбу вазиятдаги ўзининг рухий кечинмалари ва ҳиссиётлари билан очик бўлишадилар.

Бу билан улар нафақат бир-бирига балки, ўзларига ҳам ёрдам берадилар. Сабаби, мижоз худди ўзини каби оғир вазиятда ёлғиз эмаслиги ва унга хайрихоҳ ва ҳамдард инсонлар борлигини англаши боис бирмунча енгилликни ҳис этади. Унинг кайфияти ва ҳолати ижобий томонга ўзгариб бориши билан аслида чигал кўринган вазиятга ойдинлик киритилади.

Айнан ушбу фикрлар борасида тадқиқотда иштирок этган талабалар фикри ўрганилганда қуйидаги диаграммада таклиф этилган натижалар олинди.


Бу ишончсизликнинг сабаби сўралганда қуйидаги очик савол натижаларида кўрсатилган асосий жиҳатлар аниқланди.

**2-диаграмма.** Мижоз билан якка тартибда ишлаш технологияси самарадорлигини ошириш омиллари нималардан иборат?



Демак, ушбу очик саволга олинган кўплаб жавоблар ичида нисбатан такрорланган фикрлардан 32% Ижтимоий иш амалиёти моҳиятини тўғри англаш, 28% якка тартибда ишлаш технологиясини бошқа метод ва технологиялар билан уйғунлаштириб қўллаш, 15% мижоз билан ишончли муносабатларнинг ўрнатилганлиги, 12% мижознинг ўз муаммоларининг фош бўлишидан қўрқмаслиги, 11% мижознинг ўз муаммоларини ҳал қилишга иштиёқини ошиши эканлигини тўғрисида ўринли фикрларни билдирганлар.

**3-диаграмма.** Мижоз билан якка тартибда ишлаш жараёнида қандай муаммолар юзага келиши мумкин?



Демак, 32% сўралганлар фикрича асосан мижознинг кучли тушкун кайфият сабабли муаммосини муҳокама этилишига қаршилиги, 35% сўралганлар фикрича эса ижтимоий иш ходимида якка тартибда ишлаш учун етарлича билим ва кўникмага эга эмаслиги, 27% мижознинг муаммоли вазиятида ёрдам бериши шарт бўлган бошқа соҳа вакилларининг иштирок этмаслиги каби фикрларни билдирганлар. Худди шундай вазиятларда қаршилик даражасига қарамасдан ижтимоий иш ходими ўз соҳасининг мутахассиси сифатида ва ижтимоий ишнинг ахлоқ қоидаларига риоя этган ҳолда мижоз билан юзма-юз мулоқотга киришишга ва секинлик билан

бўлсада мижоз ишончини оқлашга ҳаракат қилиши шарт. Шундагина мижоз билан якка тартибда ишлаш амалиёти самарадор бўлади. Мижоз ишончини оқлаш нафақат касбий билим, кўникма ва малакаларни ишга солиш, балки, ташриф чоғида ижтимоий иш ходимининг ташқи қиёфасининг ҳам тегишли тарзда бўлишини талаб этади. Шунингдек, *ижтимоий иш ходими мамлакатимиз аҳолиси хусусиятларини, улардаги мавжуд одатлар, анъаналар ва муносабатларни яхши билишлари шарт*. Шундагина мижоз билан якка тартибда юзма-юз ишлаш технологияси ўзининг амалий самарасини кўрсатади.

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Ижтимоий иш касбий фаолиятдир. Ижтимоий иш ходимлари хизматидан фойдаланаётган шахслар ўз иш берувчилари, бир-бирлари ва бошқа касб соҳалардаги ҳамкисблари ва жамият олдида мажбуриятга эгадирлар. Мазкур мажбуриятларни баражариш учун улар муайян ҳуқуқларга эга бўлишлари керак. Ижтимоий иш ходимларининг Британия Ассоcацияси Бирлашган Қиролликдаги ижтимоий иш ходимларининг профессионал ассоcацияси бўлиб, унинг томонидан ишлаб чиқилган ҳаракат меъёрлари, тамойиллар ва андозалар жаҳон ижтимоий иш соҳаси учун муҳим манба ҳисбланади. Ижтимоий ишнинг моҳиятини белгилаб беришда эса, Ижтимоий иш ходимлари Халқаро Федерацияси ва Ижтимоий иш мактаблари Халқаро Ассоcациясининг хизматлари каттадир. Жумладан, улар томонидан соҳага нисбатан қуйидаги таърифни қўллаш таклиф этилади. Яъни, ижтимоий иш касби ижтимоий ўзгаришларга, инсоний муносабатлар муаммоларини ҳал қилишга, шунингдек инсонлар турмуш фаровонлигини ошириш учун имкониятларнинг тақсимланишига ва озод бўлишига қўмаклашади. Инсоний ҳуқуқ атвор ва ижтимоий тизимлар ҳақидаги назариялардан фойдаланиб, ижтимоий иш кишиларнинг ўз атроф-муҳити билан муносабатга киришган жойларда юзага келади. Инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий адолат тамойиллари ижтимоий ишнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Битирув малакавий иши доирасида олиб борилган назарий ва амалий тадқиқотлар яқунларидан келиб чиқиб, қуйидаги *умумий хулосаларимизни* илгари сураемиз:

**Биринчидан,** ижтимоий иш ходимлари замонавий жамиятлардаги турли соҳалардаги ва турли даражадаги хилма-хил масалаларни ҳал қилишда илмий асосланган методлар ва технологиялардан кенг фойдаланади. Жумладан, индивидлар, оилалар, кичик гуруҳлар, болалар, қариялар билан ишлаш, тиббий муассасаларда консултант ва психотерапевт бўлиб ишлаш

давомида ижтимоий иш назариялари билан чамбарчас боғлиқ умумий ва хусусий методлар ва технологиялар кўл келади.

**Иккинчидан,** ижтимоий ишдаги методлар ва технологияларнинг хилма-хиллиги бир томондан ҳозирги замон жамияти тизимидаги ижтимоий муаммоларнинг турли жиҳатларини ва улар ечимининг хилма-хил вариантларини топишда имкон берса, бошқа томондан, ижтимоий иш замонавий илм-фан тизимининг ажралмас қисми эканлигидан далолат беради.

**Учинчидан,** ижтимоий иш ходимидан нафақат ижтимоий иш назариялари ва усулларини, балки, жамият ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш, ижтимоий гуруҳлар, жамоаларнинг мавжудлик қонуниятлари, меъёрлари, эҳтиёж ва қизиқишлар, мижозларнинг маданий, этник ўзига хосликларини фарқлай олиши талаб этилади.

**Тўртинчидан,** ижтимоий иш ходими мижоз билан муносабатлари муваффақиятли кечишини таъминлашда хизмат қилувчи ижтимоий мақом, биологик ўзига хослик, индивидуал рухий, физиологик хусусиятлар ва уларга бевосита таъсир ўтказувчи ижтимоий омиллар борасида етарлича билимга эга бўлиши шарт. Демак, ижтимоий иш бу нафақат назария, балки, оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган ва ёрдам муҳтож инсонлар билан самарали муносабат юритиш санъати ҳамдир.

**Бешинчидан,** индивидуал ижтимоий иш кишига шахсан ёндашишни назарда тутди. Бу мижоз билан юзма-юз ишлаш технологияси бўлиб, мижоз ва ижтимоий ходими ўртасида муносабатларнинг иш фаолиятининг барча босқичларида самарадорлигини таъминлайди.

**Олтинчидан,** ижтимоий иш амалиёти авваламбор кишининг ўз ҳаётий иродаси ва имкониятларини рўёбга чиқаришга қаратилар экан индивидуал иш тартибининг долзарблиги ошади. Зеро, мижоз билан юзма-юз ишлаш технологияси мижознинг оғир ҳаётий вазиятида ўзинг ички заҳираларини

қўллаш ва юзага келган вазиятга мослашиш, бунда ўзининг шахсий ҳаётий дастурини ишлаб чиқишига турткилайди.

Ижтимоий иш амалиётида мавжуд технологиялар, хусусан, якка тартибда ишлаш тартибини қўллаш амалиётини оммалаштириш мақсадида кўйидаги **таклиф ва тавсияларимизни** илгари сурамиз:

**Биринчидан,** Олий таълим муассасаларида Ижтимоий иш таълим йўналиши фанлари доирасида Ижтимоий иш амалиёти методлари ва технологиялари бўйича алоҳида курсни жорий этиш мақсадга мувофиқ. Сабаби, бўлажак ижтимоий иш ходими саналган бугунги талаба амалиётда зарурий саналган ишлаш методлари ва технологияларини мукамал ўзлаштирган бўлиши лозим.

**Иккинчидан,** ижтимоий иш амалиётида қўлланиладиган якка тартибдаги иш жараёнини мукамал ўзлаштириш учун талабаларнинг малакавий амалиётида алоҳида соат ажратиш ва бу амалиёт билан шуғулланувчи ташкилотларга йўналтириш (масалан РБИИМ).

**Учинчидан,** ижтимоий иш амалиётидаги асосий методлар ва технологияларнинг қўлланилиши борасида битирув малакавий ишлари мавзулари сонини кўпайтириш. Ушбу БМИлари эмпирик базасини ҳосил қилиш мақсадида якка тартибда миждоз билан юзма-юз ишлашга рухсат бериш (мутасадди ташкилотлар, масалан, меҳрибонлик уйлари, Мурувват ва Саҳоват уйлари, имконияти чекланган болалар учун махсус мактаб-интернатлар ва ҳ.кларда).

**Тўртинчидан,** ижтимоий иш ходимлари томонидан аҳолининг турли қатламларига тегишли профессионал ёрдам кўрсатиш сифатини янада ошириш мақсадида ижтимоий аҳамиятли ташкилотларда ижтимоий иш ходими штат бирлигини жорий этишни илгари суриш.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### Раҳбарий адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Тошкент. Ўзбекистон нашриёти, 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент. Ўзбекистон нашриёти, 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент. Ўзбекистон нашриёти, 2017.
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Тошкент. Ўзбекистон нашриёти, 2017.

### Асосий адабиётлар

1. Теория социальной работы: Учебное пособие для студ. высш. учеб. заведений. - М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2000.
2. Холостова Е.И. Социальная работа: Учебное пособие. - М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К<sup>о</sup>», - 2004.
3. Алексеева Л.С. Социальная реабилитация подростков // Семья в России.-1995.- № 2.
4. Альперевич В.Г. Социальная геронтология. - Ростов – на /Д Феникс, 1997.- 483 с.
5. Добровольская Т.А., Шабалина И.Б., Демидов Н.А. Социальные проблемы инвалидности // Социологические исследования.- 1998.- № 4.
6. Доцинин Ю.П., Лапин Н.Н. Социальная значимость факторов вынужденной миграции // Социологические исследования.- 2001.- № 1.
7. Исупова О.Г. Социальный смысл материнства в современной России // Социологические исследования.- 2001.- № 7.
8. Ковалёв Н.Г. Пожилые люди: социальное самочувствие // Социологические исследования.- 2001.- № 7.
9. Назарова Е.А. Особенности миграции // Социологические исследования.-2000.- № 7.
10. Основы социальной работы. Отв. ред. Павленок П.Д. - М.: ИНФРА-М.-2001.- 395 с.
11. Подшивалкина В.И. Социальные технологии: проблемы методологии и практики. – Кишинёв: Центральная типография, 1997.- 326 с.
12. Радаев В.В. Работающие бедные: велик ли запас прочности? // Социологические исследования.- 2000.- № 8. 25.

13. Социальная работа / Общ. ред. проф. Курбатова В.И. - Ростов-на/Д: Феникс, 1999.- 576 с.
14. Социальная работа: теория и практика / Отв. ред. Холостова Е.И., Сорвина А.С.- М.: ИНФРА-М, 2001.- 427 с.
15. Социальные технологии: Толковый словарь. - М., 1994, 286 с.
16. Справочное пособие по социальной работе / Отв. ред. Панов А.М., Холостова Е.И. - М.: Юристъ, 1997.- 168 с.
17. Теория и практика социальной работы. В 2-х т. - М.: Союз.- 1994.
18. Теория и практика социальной работы: Методические материалы / Отв. ред. Попов А.М., Холостова Е.И. - М.: Ин-т соц. работы, 1997.- 113 с.
19. Тетерский С.В. Введение в социальную работу. - М.: Академический проспект, 2001.- 496 с.
20. Технология социальной работы / Под ред. Зайнышева И.Г.- М.: ВЛАДОС. 2000.- 240 с.
21. Фирсов М.В., Студенков Е.Г. Теория социальной работы. - М.: ВЛАДОС, 2000.- 426.
22. Франкл В. Человек в поисках смысла. - М.: Прогресс, 1990.- 367 с. Холостова Е.И. Пожилой человек в обществе. - М.: 1999.- 85 с.
23. Штомпка П. Социальные изменения как травма // Социологические исследования.- 2002.- № 1.
  
24. Энциклопедия социальной работы. В 3-х т. – М.: Центр общечеловеческих ценностей, 1996.
25. Юрлов Ф.Н. Социальные издержки глобализации // Социологические исследования.- 2001.- № 7.

**«Ижтимоий иш амалиётида якка тартибда ишлаш технологиясининг самарадорлиги омиллари» мавзусидаги социологик сўровнома**

**ДАСТУРИ**

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.** Ижтимоий иш ходимлари замонавий жамиятлардаги турли соҳалардаги ва турли даражадаги хилма-хил масалаларни ҳал қилади. Жумладан, индивидлар, оилалар, кичик гуруҳлар, болалар, қариялар билан ишлаш, тиббий муассасаларда консултант ва психотерапевт бўлиб ишлаш, ижтимоий дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш учун молия ресурсларини топишга ҳаракат қиладилар. Шунингдек, оиладаги зўравонлик кўринишларини бартараф этишга ҳаракат қиладилар ва ҳоказолар билан шуғулланадилар. Зеро, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуслари билан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИда «аҳолига мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш ҳамда кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишда давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш»<sup>6</sup> устувор йўналишлар қаторидан ўрин олган.

Бунда ижтимоий иш ходимидан нафақат ижтимоий иш назариялари ва усулларини билиши, балки, жамият ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш, ижтимоий гуруҳлар, жамоаларнинг мавжудлик қонуниятлари, меъёрлари, эҳтиёж ва қизиқишлар, мижозларнинг маданий, этник ўзига хосликларини фарқлай олиши талаб этилади. Яна ижтимоий иш ходими мижоз билан муносабатлари муваффақиятли кечишини таъминлашда хизмат қилувчи ижтимоий мақом, биологик ўзига хослик, индивидуал рухий, физиологик хусусиятлар ва уларга бевосита таъсир ўтказувчи ижтимоий омиллар борасида етарлича билимга эга бўлиши шарт. Демак, ижтимоий иш бу нафақат назария, балки, оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган ва ёрдам муҳтож инсонлар билан самарали муносабат юритиш санъати ҳамдир.

Ижтимоий ишдаги йўналишларни хилма-хиллиги бир томондан ҳозирги замон жамияти тизимидаги ижтимоий муаммоларнинг турли

---

<sup>6</sup> 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИнинг 4.2. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бандида кўрсатилганидек

жихатларини ва улар ечимининг хилма-хил вариантларини тасаввур қилишга имкон берса, бошқа томондан, ижтимоий иш замонавий ижтимоий муносабатларнинг ажралмас қисми эканлигидан далолат беради. Бунда ижтимоий иш амалиётида кенг қўлланилувчи технологияларнинг аҳамияти каттадир.

Замонавий илмий адабиётларда «технология» атамаси кенг қўлланилади. «Технология» сўзи бу қадимги юнон тилидан «*techné* – қила олмоқ, маҳорат, *logos* – билим, фан» деган сўзларнинг бирикмасидан ҳосил бўлиб, «технология» сўзининг оддийгина таърифи: маҳорат, санъат, қила олмоқ маъноларини ангалатади. Ушбу тушунчадан келиб чиқиб, технологиянинг муҳим элементларидан бўлган фаолият усуллари, фаолиятнинг йўллари ва воситалари, зарурий билим кабиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда – технология бу бирор фаолият предметиға таъсир кўрсатиш қобилиятидир.

Бунда техника танланган мақсадға тезда ва аниқ етиб боришга кўмаклашади<sup>1</sup>. Жамият ва инсон фаолиятининг ривожланиб бориши билан технологиянинг мазмуни борасидаги тасаввурлар тубдан ўзгариб борди

Якка тартибда (индивидуал) ишлаш – ижтимоий ишнинг бош технологияларидан биридир. Индивидуал ишнинг марказий концепциясига биноан инсон муаммолари ечимининг энг самарали стратегияси индивиднинг иродавий хусусиятларини мустаҳкамлаш ва қўллаб-қувватлашдан иборат. Индивидуал иш тартиби мижоз билан ишлашда нафақат режалаштириш балки кишининг атроф муҳити билан ўзаро мулоқотнинг муқобил шарт-шароитларини қидириб топади.

Индивидуал ижтимоий ишда Л.Жонсон концепциясига мувофиқ иш тартиби фаол тизим сифатида намоён бўлади. Вазият билан ишлашда субъект-субъектли ўзаро муносабат кетма-кет хатти-ҳаракатлар узвийлигида содир бўлади. Аввало, ижтимоий иш ходими ва мижоз ўртасида шартнома ўрнатилиши шарт.

Индивидуал ижтимоий иш технологияси вазият билан якка тартибда «юзма-юз» тарзда ишлашни назарда тутиб мижознинг шахсий ва ижтимоий муаммолари ечимини топишда самарали саналади. Мижозга хос индивидуал муаммолар қаторидан ҳиссий муаммолар, шахсий кризислар, оилавий зиддиятлар, ишлаб чиқариш ёки мактабдаги муаммолар ўрин олган.

«Юзма-юз» ишлаш технологияси ижтимоий иш ходими ва мижоз ўртасида маълум муносабат ўрнатилганлигини ангалатади. Индивидуал иш

---

<sup>1</sup> Капитонов Э.А. Социология XX века. История и технология. - Ростов-на/Д: Феникс,- 1996. – С. 205.

тартибига биноан нафақат мижоз билан ишлашнинг кетма-кетлиги ўрнатилади, балки ижтимоий иш ходими фаолиятига қўйиладиган талаблар белгилаб олинади.

**Битирув малакавий ишининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Битирув малакавий ишнинг мавзуси Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети «Ижтимоий иш» кафедрасининг илмий-тадқиқот ишлари мавзуси доирасига киради.

**Тадқиқотнинг объекти.** Ижтимоий иш таълим йўналиши 3 ва 4 курс талабаларининг ижтимоий иш амалиётида мижоз билан якка тартибда ишлаш технологиясининг қўллаш бўйича билим ва кўникмалари.

**Тадқиқот предмети.** Ижтимоий иш амалиёти самарадорлигини таъминлашда назарият ва амалиёт уйғунлиги.

Оғир ҳаётий вазиятдаги кишиларга ижтимоий хизмат кўрсатишда ижтимоий ишнинг умумий ва хусусий технологияларининг хусусиятлари.

**Тадқиқот ишининг мақсади.** Мураккаб ҳаётий вазиятдаги кишиларнинг социал муаммолари ечимини топишда ижтимоий иш технологияларини қўллашнинг ўзига хос жиҳатларини назарий ва амалий тадқиқ этиш.

Илгари сурилган мақсаддан келиб қуйидаги **вазифаларни** бажариш белгилаб олинди:

- ижтимоий ишнинг назарий ёндашувлари, умумий ва хусусий технологиялари ва методлари борасида илмий манбалар ва адабиётлар, маълумотларни тўплаш ва саралаш;

- ижтимоий иш амалиёти самарадорлигини таъминлашда кенг қўлланилувчи методлар ва технологиялар борасидаги илмий маълумотларни тизимлаштириш;

- ижтимоий иш амалиётида оғир ҳаётий вазиятдаги кишилар билан якка тартибда ишлаш технологиясининг хусусиятларига ойдинлик киритиш;

- индивидуал иш тартибининг асосий босқичлари, тамойиллари ва қонуниятларини илмий ўрганиш;

- ижтимоий иш амалиётида якка тартибда ишлаш технологияси самарадорлигини эмпирик жиҳатдан асослаш.

- назарий ва амалий тадқиқотлар йиғиндиси таҳлилларига кўра, ижтимоий иш амалиётида якка тартибда ишлаш технологияларини такомиллаштириш бўйича амалий таклиф ва тавсияларни илгари суриш.

**Тадқиқотнинг илмий фарази.** Ижтимоий иш амалиётида оғир ҳаётий вазиятдаги кишилар билан ишлаш методлари ва технологиялари ичида мижоз

билан юзма-юз индивидуал ишлаш тартиби бошқа технологияларга нисбатан натижадорлиги ва самарадорлиги билан фарқланади. Якка тартибда ишлаш технологияси мижознинг конфиденциаллик эҳтиёжини тўлақонли қондиради.

**Тадқиқотнинг методологик асоси:** Битирув малакавий ишининг илмий-услубий концептуал базаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматининг аҳолининг муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоялаш уларга ижтимоий хизмат кўрсатиш сифатини ошриш борасидаги Фармонлари ва қарорлари, шунингдек, халқаро ва миллий қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар хизмат қилди.

Шунингдек, ижтимоий иш назарияси ва амалиётига доир илмий адабиётлар ва назарий-амалий тадқиқотлар битирув малакавий ишнинг назарий-эмпирик асосларини ҳосил қилди.

**Тадқиқот методлари:** Кейс менежмент, сўровнома, статистик таҳлил ва тизимлаштириш. Тадқиқотнинг асосий мақсадидан келиб чиққан ҳолда кейс менежмент муркаккаб вазиятдаги оилалардан бири ва унинг аъолари исми шарифлари ўзгартирилган ҳолда таҳлил қилинди. Шунингдек, ЎЗМУ Фалсафа факультети Социология ва ижтимоий иш йўналиши талабалари ичида анкетали сўровномалар ўтказилди.

**Терма:** тасодифий

**Тадқиқотнинг кўрсаткичлари.** Тадқиқот вазифаларидан келиб чиқиб куйидаги кўрсаткичлар аниқланди:

1. Мураккаб ҳаётини вазият ва унинг ечим йўллари кидириш
2. Мижозга кўмаклашиш жараёнида вазиятни баҳолаш усуллари кўлланилиши
3. Мижоз вазиятни баҳолашнинг мазмун-моҳияти
- 4. Эмпирик маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш усуллари:**
  1. Бирламчи ва иккиламчи маълумотларни қайта ишлаш
  2. Компьютерда қайта ишлаш
  3. Яқуний таҳлил
  4. Хулоса ва умумлашмалар
  5. Тадқиқот яқунларини тақдим қилиш.

**Тадқиқот яқунларининг лойиҳаси.** Ҳисобот, илмий хулоса ва тавсиялар, таҳлилий маъруза

**Кўлланиш (фойдаланиш) соҳаси:** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ижтимоий иш, социология, политология, педагогика, психология фанлари назарий асосларининг ривожланишига ҳисса қўшади.

## АНКЕТАЛИ СЎРОВНОМА

Хурматли сўровнома иштирокчиси Ўзбекистон Миллий Университети Ижтимоий иш кафедраси битирувчи талабалари томонидан битирув малакавий ишининг амалий-эмпирик базасини яратиш мақсадида «**Ижтимоий иш амалиётида яқка тартибда ишлаш технологиясининг самарадорлиги омиллари**» анкетали сўровнома ўтказилмоқда. Анкетали сўровнома экспресс шаклда бўлиб, шахсга тегишли маълумотлар анонимлиги сақланади, берилган саволларига жавоб бериш ихтиёрий. Саволларга берилган жавоблар умумлаштирилган ҳолда қайта ишланади ва натижалар битирув малакавий ишининг эмпирик базаси сифатида хизмат қилади.

Сўровнома рақами

Сўровнома олинган сана

Сўровнома олинган ҳудуд

Интервьюер имзоси

## СОЦИАЛ-ДЕМОГРАФИК ҚИСМ

1. Ёшингиз \_\_\_\_\_
2. Жинсингиз \_\_\_\_\_
3. Таълим йўналиши \_\_\_\_\_

### ЭКСПРЕСС-СЎРОВ

**1-савол. Ижтимоий иш ходими сифатида бўлажак амалий фаолиятга тайёргарлигингизни қандай баҳолайсиз?**

1. Аъло
2. Яхши
3. Қониқарли
4. қониқарсиз

**2-савол. Ижтимоий ишнинг микро амалиёти бу... ?**

1. мижоз билан якка тартибда ишлаш
2. шифохаларда ижтимоий иш амалиёти
3. микро ҳудудлардаги амалиёт
4. Фикрингиз \_\_\_\_\_

**3-савол. Якка тартибда ишлаш технологияси қандай вазиятларда қўлланилади?**

1. Ҳар қандай вазиятда
2. Мижоз вазияти конфеденциалликни талаб этганда
3. Қаровчиси йўқ ёлғиз инсонлар билан ишлашда
4. Фикрингиз \_\_\_\_\_

**4-савол. Мижоз билан якка тартибда ишлаш технологияси самарадорлигини ошириш омиллари нималардан иборат?**

1. Ижтимоий иш амалиёти моҳиятини тўғри англаш
2. Мижоз билан ишончли муносабатларни ўрнатилганлигида
3. Мижозда муаммолари ечимини топиш иштиёқини баландлигида
4. Якка тартибда ишлашнинг бошқа методлар билан уйғун олиб борилишида
5. Мижознинг ўз муаммолари фош бўлишидан чўчимаслигида
6. Бошқа \_\_\_\_\_

**5-савол. Мижоз билан якка тартибда ишлаш жараёнида қандай муаммолар юзага келиши мумкин?**

1. мижоздаги ўта кучли тушкун кайфият
2. ижтимоий иш ходимида якка тартибда ишлаш учун етарлича билим ва кўникмага эга эмаслиги
3. мижознинг муаммоли вазиятида ёрдам бериши шарт бўлган бошқа соҳа вакилларининг иштирок этмаслиги
4. бошқа \_\_\_\_\_

**Иштирокингиз учун раҳмат!**

## БАҲОЛАШ ВАРАҚАСИ

Фойдаланиш бўйича изоҳ: Агар ушбу варақани компьютерда тўлдирадиган бўлсангиз ва сўзлар узун бўлса, каттаклар кенгаяди.

### Мижоз тўғрисида маълумот

ФИШ	<input type="text"/>	Бошқа исмлар	
Жинси: эркак <input type="checkbox"/>	аёл <input type="checkbox"/>	номаълум <input type="checkbox"/>	Туғилган санаси <input type="text"/>
Манзили	<input type="text"/>	Боғланиш телефони	<input type="text"/>
		Алоҳида рақами	<input type="text"/>
		Намунаси №	<input type="text"/>
Индекс	<input type="text"/>	Дини	<input type="text"/>

### Миллати

Ўзбек	Рус	Қозоқ	Қирғиз	Тожиқ	
Корейс					
* бошқа жиҳатлари бўлса, кўрсатинг	<input type="text"/>	Иммиграцион мақоми	<input type="text"/>		
Боланинг она тилиси	<input type="text"/>	Ота-онасининг тили	<input type="text"/>		
Болада ногиронлик мавжудми?	Ҳа <input type="checkbox"/>	Йўқ <input type="checkbox"/>			
ҳа бўлса, батафсил таърифлаб беринг	<input type="text"/>				
Таржимон керакми?	Ҳа <input type="checkbox"/>	Йўқ <input type="checkbox"/>	Таржимон таклиф? этилганми?	Ҳа <input type="checkbox"/>	Йўқ <input type="checkbox"/>

Қандайдир алоҳида талабларнинг тафсилотлари (бола ёки унинг ота-оналари учун)

1 Шунингдек, қуйидаги жиҳати маълум

2 Туғилиши кутилаётган санаси

### Баҳолаш бўйича ахборот

Баҳолаш вақтида иштирок  
этаётган одамлар

Ушбу тугилмаган чақалоқ, гўдак, бола ёки ёш йигитни баҳолаш нима учун ўтказилапти?

**Ота-оналар/тарбиячилар ҳақидаги маълумотлар**

ФИШ

Боғланиш  
телефони

Relationship to unborn baby, infant, child or young person.  
Тугилмаган чақалоқ, гўдак, бола ёки ёш йигитга бўлган  
муносабат.

Манзили

Ота-оналар масъулияти

Ҳа

Йўқ

ФИШ

Боғланиш  
телефони

Тугилмаган чақалоқ, гўдак, бола ёки  
ёш йигитга бўлган муносабат

Манзили

Ота-оналар вазифалари  
мавжудми?

Ҳа

Йўқ

**Ҳозирги вақтда оиладаги ва уйдаги вазият**

(Масалан, оиланинг таркиби, шу жумладан чақалоқ билан яшайдиган ёки яшамайдиган болалар ва бошқа муҳим аҳамиятга эга бўлган катталар)

Етакчи мутахассиснинг  
телефон рақами

### Ушбу чақалоқ, гўдак ёки ёш йигит билан ишлайдиган хизматлар

Оилавий шифокор	Маълумот	<input type="text"/>	<input type="text"/>	
Болалар боғчалари/ мактабларга бориш	Маълумот	<input type="text"/>	<input type="text"/>	
Хизмат	<input type="text"/>	Маълумот	Тел. <input type="text"/>	
<b>Б о ш қ а  Х и з м а т л а р</b>	Хизмат	<input type="text"/>	Маълумот	Тел. <input type="text"/>
	Хизмат	<input type="text"/>	Маълумот	Тел. <input type="text"/>
	Хизмат	<input type="text"/>	Маълумот	Тел. <input type="text"/>
	Хизмат	<input type="text"/>	Маълумот	Тел. <input type="text"/>
	Хизмат	<input type="text"/>	Маълумот	Тел. <input type="text"/>

### Дастлабки баҳолаш тўғрисида қисқа маълумот: кучли томонлар ва эҳтиёжлар

Ушбу чақалоқнинг жиҳатларига мувофиқ бўлган барча элементларни кўриб чиқинг. Ҳар бир элементни изоҳлаш керак эмас. Иложи бўлганда, фақат ўз фикрингизни эмас, фактларни такдим этинг, ва нималарни кўраётганларингизни ёзиб беринг. Турли нуқтаи назарлар мавжуд бўлса, уларни ҳам акс эттиринг.

#### 1. Туғилмаган чақалоқ, гўдак, бола ёки ёш йигитнинг ривожланиши.

#### Саломатлик

##### Саломатликнинг умумий аҳволи

Саломатликнинг аҳволи ва бузилишлар: тиш доктори, ВОП, кўз доктори текширувидан ўтиш, эмланганлик, ривожланиш даражасини текшириш, шифохонага ётиб даволаниш, жароҳатланиш, тиббий ходимлар тавсиялари.

### **Жисмоний ривожланиш**

Овқатланиш, фаолият, релаксация, кўриш қобилияти, эшитиш қобилияти, назик ҳаракатлар кўникмалари (расм солиш), умумий ҳаракатлар кўникмалари (турли ўйинлар, спорт ва ҳоказолар).

### **Нутқ, тил ва мулоқот қилиш кўникмалари**

Афзал кўриладиган мулоқот, тил, сўзлашиш, фикрни ифодалаш усули, саволлар, ўйинлар, ҳикоялар ва воқеалар, таъсирланиш, тушуниш.

### **Эмоционал ва ижтимоий ривожланиш**

Ўзини бошқача одам деб ҳис этиш, эрта меҳр қўйиш, хатарли ўзини тутиш/ўзига жароҳат етказиш, фобиялар, психологик қийинчиликлар, кучли руҳий таъсирланишларни енгиб ўтиш, асосланиш, ижобий муносабатда бўлиш, ишонч, тенгдошлари билан муносабатлар, ёлғизлик ва ажратиб қўйилганлик ҳисси, кўрқинчлар, ўзини бахтсиз ҳис этиш.

### **Ахлоқий ривожланиш**

Турмуш тарзи, ўзини-ўзи назорат қилиш, беихтиёр ҳаракатлар, тенгдошлари билан ўзини тутиши, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш, ноижтимоий ахлоқи, жинсий хулқи, тажовузкорлик, ўта фаол бўлиш, чалғитиш осонлиги, эътиборини жалб қиладиган вақти.

### **Туғилмаган чақалоқ, гўдақ, бола ёки ёш йигитнинг ривожланиши (давоми).**

#### **Шахсий идрок этиш (аутентиклик), ўзини-ўзи баҳолаш, ўзи тўғрисидаги тасаввур ва ижтимоий аҳамият**

Ўз-ўзини идрок этиш, ўз оиласининг/ўзининг тарихини билиш, мансублик ҳисси, миллати, дин-этикоди, ёши, жинси ёки ногиронлиги сабабли дискриминация қилиниш (камситилиш) тажрибасига эга бўлиш.

#### **Оилада ва жамиятдаги муносабатлар**

Оилада, тенгдошлари билан ва маҳаллада барқарор муносабатларни яратиш, бошқаларга ёрдам бериш, дўст бўлишни билиш, салбий алоқаларни/муносабатларни яратиш даражаси.

#### **Ўзига қараш кўникмалари ва мустақиллик**

Мустақилликка эришиш, чегаралар, қоидалар, ёрдам бериш тўғрисидаги илтимослар, қарорларни қабул қилиш, физиологик ўзгаришлар, гигиена ва овқатланиш кўникмалари, оиладан ижобий ажралиб чиқиш.

## Ўқитиш

### Тушуниш, сабабларни изоҳлаш ва муаммони ҳал қилиш

Уюшганлик, алоқаларни ўрнатиш, ижодий ёндашув, ходисаларни ўрганиш, тадқиқотлар ўтказиш, тасаввур этиш ва ўзаро ҳаракат қилиш.

### Ўқитишда ва бошқа фаолиятда иштирок этиш

Иштирок этиш имконига эга бўлиш ва қатнашиш, бориб юриш, катталар қўллаб-қувватлаши, керакли ресурсларни олиш имконига эга бўлиш.

### Ўқишдаги тараққиёт ва ютуқлар

Асосий ва энг муҳим кўникмалар борасидаги тараққиёт, имкониятларнинг мавжудлиги, катталарнинг қизиқиш даражаси.

### Ингилишлар/истаклар

Нафсониятлар, ўқувчининг ўзига ишониши ва тараққиётни қандай кўриши, асосланиши ва тиришқоқлилиги.

## 2. Ота-оналар ва тарбиячилар

### Асосий парвариш, ҳавфсизлик ва химояни таъминлаш

Егулик, ичимлик, яшаш жойи, кийим-бош билан таъминлаш, шахсий гигиена, турли ташкилотлар/Хизматларни жалб қилиш; ҳавфсиз ва соғлом муҳит.

### Руҳий илиқлик ва барқарорлик

Барқарор, меҳрибон ва ривожланишни рағбатлантирувчи оилавий муҳит, мактов ва маъқуллашлар, қафолатланган меҳр қўйиш, мактабларни, уй-жойни, иш жойини тез-тез ўзгартириб туриш.

### Раҳбарлик, чегаралар ва рағбатлантириш

Ўзини-ўзи назорат қилишни рағбатлантириш, ижобий ахлоқни моделлаштириш, тегишли интизомни самарали сақлаб туриш, гўдакни ҳаддан зиёд химоя қилишнинг олдини олиш, ижобий фаолиятни қўллаб-қувватлаш.

### 3. Оила ва атрофдагилар

#### Оиланинг тарихи, унинг фаолият юритиши ва фаровонлиги

Касалликлар, оғир жудоликлар, шафқатсизлик, ота-оналар наркотикларни истеъмол қилиши, қамоққа олинган бўлиши. Ноижтимоий ахлоқ, маданият, уй хўжалигининг катта-кичиклиги ва таркиби, ота-оналар мавжуд эмаслиги, йўқотилган алоқалар, ногиронлик, руҳий авзойи бузулишлар, тазовузкорона ҳатти-ҳаракатлар.

#### Кенгайтирилган оила

Қариндош-уруғлар ёки бошқа одамлар томонидан кўрсатиладиган расмий ёки норасмий кўмак, болани парваришлаш бўйича янада катта рол ўйнаш ва вазифалар бажариш.

#### Уй-жой шароитлари, даромадлар даражаси ва иш жойи

Уй-жой, сув ва иссиқлик таъминоти ҳамда бошқа санитария шароитларининг мавжудлиги; уйдан кетиш сабаблари, сменали ишда ишлаш, иш жойи мавжудлиги; даромадлар даражаси/пенсиялар, нафақалар борлиги, қийинчиликлар таъсири.

#### Ижтимоий ва маҳалладаги омиллар, шу жумладан таълим

Болалар боғчаси, масжидлар, транспорт, дўконлар, кўнгилочар тузилмалар, жиноятлар, ишсизлик, ноижтимоий ахлоқ, тенгдошлар гуруҳлари, ижтимоий тармоқлар ва муносабатлар.

#### Хулосалар, қарорлар ва ҳаракатлар

*Ҳозир, баҳолаш якунланганидан сўнг, сиз хулосалар, қарорлар ва ҳаракатларни ёзиб олишингиз керак. Бола ёки ёш йигит ва/ёки ота-оналар/тарбиячилар билан иш олиб боринг ҳамда уларнинг фикрлари, қарорлари ва мақсадларини ҳисобга олинг.*

**Сиз қандай хулоса чиқардингиз?** (Масалан, кучли томонлар, қўшимча эҳтиёжлар мавжуд эмас, қўшимча эҳтиёжлар мавжуд, мураккаб эҳтиёжлар, ўзига ёки бошқаларга зиён етказиш хавфи бор).

**Нималарни ўзгартириш лозим?** (Масалан, бола ёки ёш йигит ва/ёки ота-оналар/тарбиячилар қандай натижаларга, қарорлар ва мақсадларга эришишини истайди).

**Иш Режаси** (*устуворликлар бўйича*)

**Буни ким бажаради?**

**Қачон?**

<b>чиқиш санаси</b>		


**Ўтказилган баҳолаш ва қабул қилинган қарорлар бўйича ота-оналар/тарбиячилар изохи**


- менга
- мен отаси/онаси бўлган чақалокқа, болага ёки ёш йигитга
- мен тарбиячиси бўлган чақалокқа, болага ёки ёш йигитга
- турли хизматларни тақдим этиш учун қўлланилишини тушунаман.

Менга ушбу маълумотларни бериш сабаблари тушунтирилди ва мен ушбу заруратни тушунаман.

Мен ушбу маълумотларни қуйида кўрсатиб ўтилган хизматларга беришга розилик билдираман.

Ҳа  Йўқ

**Имзо**  **ФИШ**  **Сана**

**Баҳолашни ўтказган шахснинг имзоси**

**Имзо**  **ФИШ**  **Сана**